БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 31 август Жума

№ 165 (13.601). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Махсус сон № 8 (19)

ПРОЛЕТАРИИ ВСЕХ СТРАН, СОЕДИНЯЙТЕСЬ!

КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА

ОСНОВАНА В МАЕ 1925 г. ■ ОРГАН ЦК ВЛКСМ ■ ЦЕНА 3 КОП.

№ 8 (19) спец • выпуск

БОЛАЛАР ФОНДИ ЁРДАМИ

В. И. Ленин номли Совет болалар фонди Хоразм вилоятида тиббиёт хизматини такомиллаштириш учун эллик минг сўм ўтказди. Ноқулай экология вазияти вужудга келган айни мана шу минтақа шифокорларнинг ёрдамига, айниқса, муҳтождир. Вилоятнинг қишлоқ жойларида тиббиёт ҳамширалари етишмайди. Шунинг учун болалар фонди ажратган маблағни қўшимча равишда тиббиёт ҳамширалари тайёрлаш, уларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақни ошириш учун сарфлашга қарор қилинди.

Тиббиёт билим юртлари талабаларининг, шунингдек шифокор касбини танламоқчи бўлган мактаб ўқувчиларининг ёрдами ҳам жойларнинг ўзида тиббиёт хизматини жорий этишда яхши восита бўлиши мумкин. Уларни ҳам ана шу муҳим ишга жалб этишга қарор қилинди.

ЯНГИ МАРКАЗ

Нукусда СПИДнинг олдини олиш ва унга қарши курашни йўлга қўйиш билан шуғулланувчи марказ ташкил этилди.

— Эндиликда хатарли вирус ташувчиларни аниқлашга ва касалликнинг олдини олиш тадбирларини ўтказишга даъват этилган хизматлар Ўзбекистоннинг барча вилоят марказларида ва Қорақалпоғистон АССРда ишлаб турибди, — деди СПИДнинг олдини олиш ва унга қарши кураш жумҳурият марказининг бош шифокори А. Ёқубов. — Ҳамма жойда диагностика лабораториялари тармоғи ташкил этилмоқда. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ сал кам 2 миллион донор ва ҳомиладор аёлни, 15 мингдан ортиқ чет эллик фуқарони текширувдан ўтказдилар, 23 минг нашаванд ва бошқа шахслар аниқланди.

Бугунгача Ўзбекистонда совет фуқароларидан тўрт киши СПИДга чалинганлиги қайд этилди. Гарчи улар диспансер назоратида бўлсаларда, жумҳуриятда ана шу касалликнинг тарқалишига доир тахминлар умидворлик учун асос бўлмайди. Барча кучларни СПИДга қарши курашга сафарбар этиш — касаллик тарқалиши йўлини тўсишнинг бирдан-бир имкониятидир.

Тошкентда Киров кўчасидаги 4-уйда СПИДнинг олдин олиш маркази ва жумҳуриятда яшовчи исталган киши мурожаат қилиши мумкин бўлган ишонч хонаси ишлаб турибди.



Кеча Алишер Навоий номидаги давлат опера ва балет катта театрида Меҳнат Қизил Байроқ орденли 1-Тошкент давлат тиббиёт олийгоҳи 1-курс талабаларининг «Талабаликка бағишлов» тантанаси бўлиб ўтди.

Йиғилишда жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазири С. М. Баҳромов қатнашди ҳамда сўзга чиқди. У ўз нутқида талабаларни Янги ўқув йили — 1 сентябрь билан қутлаб, уларнинг келгуси ўқишларида ривожлар тилади.

Тантанага ташриф буюрган тиббиёт олийгоҳи профессор-ўқитувчилари талабаларга шифокорлик касби, унинг анъаналари хусусида гапириб бердилар.

Олийгоҳ Ленин стипендиатлари 1-курс талабаларини яхши ўқишга даъват этишди. Шундан сўнг, 1-курсга қадам қўйган йигит-қизлар тантанали равишда қасамёд қилдилар. Шунингдек, йиғилишда фирқа ва шўро вакиллари ҳам иштирок этдилар.

СУРАТЛАРДА: «Талабаликка бағишлов»дан лавҳалар.

Сураткаш Муҳаммад АМИН.





АРМАНИСТОН: ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

ЕРЕВАН, 29 август. (Арманпресс—ТАСС мухбири). Арманистон Олий Шўросининг эрталабки мажлиси бошланиши олдидан парламент аъзолари ўз ҳамкасблари Виктор Айвазяннинг депутатлик ўрнига янги узилган гуллар қўйдилар. У Арманистон миллий армияси қуролли қисмлари аъзоларининг ҳузурига музокара олиб бориш учун бораётган пайтда уларнинг иғвогарона хуружи қурбони бўлди.

Арманистон Олий Шўросининг Раиси Л. А. Тер-Петросян депутатларни тунги воқеадан хабардор қилди. Тунги воқеа натижасида бошқа қурбонлар ҳам бор. Олий Шўро бундай ҳаракатларни жумҳуриятдаги вазиятни кескинлаштиришга қаратилган иғвогарона ҳаракатлар деб атади.

Қабул қилинган қарорда бугундан бошлаб Арманистоннинг бутун ҳудудида фавқулодда ҳолат ва кечқурун соат 22 дан эрталаб 6 гача комендантлик соати жорий этиш, Арманистон миллий армияси ҳарбий ташкилотларини дарҳол тугатиш, қуролни топшириш, босиб олинган транспорт воситаларини ва қонунга хилоф равишда ишғол қилинган биноларни топшириш кўзда тутилади. Олий Шўронинг қуролсизланиш тўғрисидаги даъватига ихтиёрий амал қилган кишилар жавобгарликдан озод этилиши эълон қилинди.

Арманистон Олий Шўроси ушбу қарорни амалга ошириш вазифасини жумҳурият ички ишлар органлари давлат хавфсизлиги қўмитаси, шунингдек милиция ҳузурида иш кўраётган жамоат тартибни сақлаш дружиналари зиммасига юклади.

ШУНГАЧА НИМА БЎЛГАН ЭДИ?

27 МАЙ

Бир гуруҳ қуролланган шахслар Кафан-Ереван поездини кузатиб бораётган ички қўшин ҳарбий хизматчиларини қуролсизлантиришга уриндилар. Низо натижасида, шаҳарнинг бошқа ноҳиясига ҳам ёйилиши туфайли 23 киши ҳалок бўлди. Кўпчилик, шу жумладан, тинч аҳоли ҳам жароҳатланди. Низо Арманистон Олий Шўросига сайловларнинг сўнгги тури олдидан содир бўлди.

Қуролларни тортиб олиш мақсадида ўт очишлар ва милиция бўлимларига, ҳарбий қисмларга ҳужумлар оддий ҳодисага айланиб қолмоқда.

15 ИЮЛЬ

Арманистон парламентига сайловлар бўлиб ўтди.

Арманистон миллий армияси етакчилари янги, демократик йўл билан сайланган жумҳурият парламентига ва мудофаа кенгашига бўйсунишга тайёр эканликларини айтмоқдалар.

20 ИЮЛЬ

Янги тузилган жумҳурият Олий Шўроси ишга киришади. Ҳарбий қисмлардан биридан жангарлар 20 та автоматни қўлга киритишган.

25 ИЮЛЬ

СССР Президенти «СССР қонунларида кўзда тутилмаган қуролли бўлинмалар тузишни тақиқлаш ва қурол-яроғлар ғайриқонуний сақланган тақдирда уларни тортиб олиш тўғрисида» Фармон қабул қилди.

31 ИЮЛЬ

Мамлакат Президентининг Фармони эълон қилиниши билан Ереванда парламент комиссияси тузилди.

3 АВГУСТ

Қуролланган жангарлар ҳарбий қисмлар биридан 165 та ўт очиш қуролини ўғирлаб кетишди. Парламент 48 соат мобайнида огномётларни қайтаришни таклиф қилди. Огномётлар шу пайтгача қайтарилмаған.

4 АВГУСТ

Бу куни Ереван горнизони сиёсий бўлимининг бошлиғи, СССР халқ депутати, генерал-майор М. Сурков «КП» мухбирига: «Қўшинлар қуролларни тортиб олиш тўғрисидаги буйруқни бажаришга тайёр», — деб айтди. Буйруқ йўқ.

5 АВГУСТ

Арманистон Олий Шўросининг янги раиси этиб Арманистон умумхалқ ҳаракатининг раҳбари Л. Тер-Петросян сайланди. У жумҳурият тузилмаларини қуролсизлантиришни ўзи мустақил ҳал этади, деб айтди.

16 АВГУСТ

Қуролланган катта гуруҳ Арманистон телевидение, радиоэшиттириш Давлат қўмитасининг биносини босиб олиб, ўз командирининг ёзиб олинган нутқини ҳаво мавжларига беришни талаб қилди. Ереван телевидениеси орқали ўзининг беш минутлик нутқида у ўз ҳаракатини, шу жумладан, «ватанни ҳимоя қилиш зарурати» туфайли Президент Фармонига бўйсунишдан воз кечганлигини оқлашга уринди.

19 АВГУСТ

Тонгда қуролланган арман тузилмалари, тўплардан, гранатомётлардан ва автоматлардан Озарбайжоннинг Қозоқ ноҳияси сарҳади қишлоғини шиғаб ўтга тутишгандан кейин ҳужумга ўтишди.

Ички қўшинлар билан икки кунлик жанг бўлди. Л. Тер-Петросян парламент мажлисида жангарларнинг бу ҳаракатларини жумҳурият барқарорлигини издан чиқаришга, демократик жараёнларни ривожланишига халақит беришга даъват этилган қўпол иғвогарлик деб атади. Арманистон Олий Шўросининг мудофаа ва ички ишлар бўйича комиссияси тўла таркибда низо содир бўлган ноҳияга учиб кетди.

20 АВГУСТ

Жумҳурият Олий Шўроси қабул қилган қарорга мувофиқ ўз-ўзини мудофаа қилиш отрядларига кўнгиллиларни ёзиш бошланди. Улар Арманистон ҳудудида Президентнинг Фармонини бажариши ва вазиятни барқарорлаштириши зарур.

21 АВГУСТ

Арманистон Компартияси Марказий Қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди.

22 АВГУСТ

Парламентнинг эрталабки мажлисида Арманистон умуммиллий ҳаракатининг янги етакчиси Д. Варданян Арманистон миллий армиясини ва бошқа қуролли тузилмаларни парламентга бўйсунмасликда, қурол кучи билан жумҳуриятда ҳокимиятни босиб олиш истагида бўлганликда айблади.

Аштарак ноҳиясида соқчилар қўриқчилигида беш маҳбусни олиб кетаётган махсус автомобилга ҳужум қилинди. Соқчилар қуролсизлантирилди, жиноятчилар яшириндилар...

Шу кунга қадар қурол-яроғларни тортиб олиш, ҳужум қилиш, сарҳад бўйлаб жангарлар ҳаракати давом этаяпти.

28 ва 29 АВГУСТ

Шу куни тунда Арманистон миллий армияси террорчилик ҳаракатларига ўтди.

Номери йўқ машина атайлаб жумҳурият халқ депутати профессор Р. Ишханянни уриб кетди. У оғир аҳволда касалхонага олиб келинди. Шаҳарнинг бензин колонкаларидан бирида навбатчилик қилаётган жамоат тартибини сақлаш отрядига қарата ўт очилди. Бунинг натижасида уч киши жароҳатланди.

ҒЎЗА БАРГИНИ ТЎКИШ БОШЛАНДИ

СУРХОНДАРЁ деҳқонлари пахтазорларни ўтган йилдагидан деярли икки ҳафта олдин танлаб дефолиация қила бошладилар. «Гулбаҳор» ва Будённий номли давлат хўжаликларида илк участкаларга ишлов берилди. Мазкур операциянинг бу қадар барвақт бошланишига бу йил вилоят пахтачилигида вужудга келган қулай шарт-шароитлар сабаб бўлди. Баҳорда чигитни қайта экишга тўғри келмади. Август об-ҳавосининг иссиқ бўлиб туриши кўсакларнинг одатдагидан анча олдин жадал очила бошлашини таъминлади.

Пахта экилган 150 минг гектар майдоннинг 115 минг гектаридаги ҳосилни машиналарда териб олиш мўлжалланмоқда. Шу майдонларнинг ярмида ғўзалар барги ердан туриб тўкилади. Бу ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўпдир. Эндиликда деярли заҳарсиз бўлган Дропп дорисидан фойдаланиш анча кенгаймоқда. Тажрибадан маълум бўлишича, бу дори Ўзбекистон жанубига хос бўлган юқори ҳароратларда, айниқса, яхши самара беради.

ПАХТА ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЙЁРДИРЛАР

АНДИЖОН вилояти пахта заводларида қурилмаларни ремонт қилиш ва янгилаш ишлари тугалланди. Уларнинг жамоалари энди янги ҳосил пахтасини кутиб олишга тайёр бўлиб турибди.

Бу йил вилоят пахта тозаловчилари ишлаб чиқаришни ишга тайёрлаш учун кўп миллионлаб пул сарфлашди. Қўқонқишлоқ, Хўжаобод, Оқолтин заводларида янги пресслар ўрнатилди. Москва ноҳиясидаги заводда саккизта линтер-машина алмаштирилди. Қўрғонтепадаги, Чинободдаги ва бошқа корхоналарда пахтани хасхашакдан тозалайдиган машиналарга янги мосламалар ўрнатилди.

Бу йилги ҳосил эрта етилиши ва мўл бўлиши кутилмоқда. Муваффақиятли тайёргарлик пахтачиларга дарҳол, пайсалга солмасдан уни қайта ишлашга ҳамда мамлакатимиз ва чет элдаги тўқимачилик корхоналарига жўната бошлашга ёрдам беради.

(ЎзТАГ мухбири).

ДИАЛОГ

Саволлар беринг!

«Россия» сотиб юборилганми?

Хорижийликлар валюталарга бизнинг кемаларимизни сотиб олишаётгани ростми! «Аврора»нинг сотиб юборилганлиги тўғрими!

Е. ЛАТОВА. Фрунзе.

Ичида етти мамлакат саёҳатчилари бўлган «Россия» музёрар кемаси Шимолий қутб бўйлаб биринчи марта халқаро денгиз саёҳатига чиққан ва ер куррамизнинг энг шимолий нуқтасига йўл олган.

Уч кун сузгандан сўнг Таймир қирғоғидан унча узоқ бўлмаган жойда атомоход кемалар карвонига дуч келган.

Ҳозирча кемалар сотилаётгани йўқ. Фақат уларга билетлар сотилмоқда.

«Аврора» ҳақида эса таҳририятда ҳеч қандай маълумот йўқ.

Пайпоққа ўн сўмданми?

Носкилар қаёққа йўқолди!

Н. КРУШИЛИН. Москва.

Носки, бизнинг тушунишимизча, енгил саноатга қарашлидир ва одатдагидек биз тегишли вазирликка қўнғироқ қилишга ҳаракат қилдик. Маълум бўлишича, Енгил саноат вазирлиги ёпилибди, унинг ўрнига Енгил саноат бошқармаси пайдо бўлибди. Янги идорада муштарийнинг саволига жавоб бера олмадилар ва тўқимачилик бошқармасига йўлладилар. У ердан «Диалог» мухбирлари бизни қизиқтирган саволга ҳеч қандай жавоб ололмадилар.

Фақат Москвадаги пайпоқ-носки бирлашмаси ишлаб чиқариш бошқармасида 1988 йилда эркаклар носкисидан 26,6 миллион жуфт, 1989 йилда 27,3 миллион жуфт ишлаб чиқарилганлигини айтишди. 1990 йилда планга кўра, 28 миллион жуфт ишлаб чиқарилиши керак ва ҳозирча бу яхши кетмоқда. 1990 йилда жун колготкалар 1 миллион сўмлик, яъни ўтган йилдагидан 30 фоиз кўп ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Машинага фирқа билети биланми?

Нима учун «Совтрансавто»га фақат фирқа аъзолари бўлган машина ҳайдовчилар ишга олинади.

И. ИВАНОВА. Москва.

— Ҳайдовчиларни ишга олишда қандайдир алоҳида чеклашларга амал қилинмайди, — деб жавоб берди «Совтрансавто» кадрлар бўлими бошлиғи А. Елкин. — Шундай бўлса-да, ҳозир бизда ишлаётган ҳайдовчиларнинг 90 фоизи фирқа аъзоси, 10 фоизи эса фирқасизлардир.

Лаврда ҳаммаси осойиштами?

Бутун Русия Патриархи марҳум Пименга бир неча бор суиқасд қилинган, деган гап-сўзлар юрибди. Улардан бири у тез-тез бориб турган Троице-Саргиева лаврда бўлганмиш...

Н. ТИХОНОВА. Митишчи.

Бу саволга жавоб излаб биз Лаврни қўриқлаётган рота командирининг ўринбосари, милиция майори Н. Рахманинга мурожаат қилдик: — Кейинги беш йил мобайнида монастир ҳудудида битта ҳам жиноят содир бўлган эмас. Патриарх шаънига айтилган гап эса — бу бекорчи шов-шув.

Ахборот тариқасида: Троице-Саргиева лаврига Загорск шаҳрининг Ички ишлар бўлимининг махсус бўлинмаси «жойлаштирилган». Милиция наряди бу ерда кечаси-ю кундузи навбатчилик қилади. Йирик диний байрамлар куни шаҳар милиция бўлими ходимлари ёрдамга келишади.

Бутун Русия Патриархи Пименни дафн этишда ҳеч қандай кўнгилсизлик бўлмаган.

Ҳуқуқсиз киноми?

Қачон ойнаи жаҳонда ҳинд фильмлари намойиш қилинади!

В. КРЮКИНА. Хабаровск.

— Ҳинд фильмларини, шунингдек бошқа мамлакат фильмларини ҳам СССР Давлат киноси МТда кўрсатмаслик шарти билан сотиб олади, — деб тушунтирди мухбиримизга кино программалари Бош муҳарририяти бош муҳаррирининг ўринбосари Борис Соломонович Каплан.— Бу ҳуқуқни олиш учун эса алоҳида ва анча-мунча пул валюта бўйича тўланиш керак. Шу туфайли ҳинд кинофильмларининг барча мухлисларига оммабоп ҳинд кинофильмларидан тайёрланган киноконцертларни томоша қилишни маслаҳат бераман.

Кейинги ярим йилгача бўлган аҳвол шу. Кейин нима бўлади? Кўрамиз!

Олиб қочарларга қонун борми?

Тайёраларни навбатдаги олиб қочишлар ҳақидаги хабарларга кўникиб қолдик. Ғарбда ҳам тайёраларни ўғирлашадими!

К. ПЕТРОСЯН. Ереван.

Бизга бу саволга жавоб беришда «Воздушний транспорт» рўзномасининг халқаро бўлимидаги ҳамкасбларимиз ёрдам қилишди.

Ғарбда тайёраларни ўғирлаб кетиш жуда камдан-кам бўлиб, бори ҳам сиёсат билан боғлиқдир.

1985 йилда «Транс уорлд Эрлайнз» (Байрут) авиакампаниясининг тайёраси ўз йўналишини ўзгартиришга тўғри келган. 1988 йилнинг апрелида 442-рейс билан учаётган Қувайт тайёрасининг ичида яхшигина қуролланган 9 террорчи бўлган. Уларнинг талаблари Жазоирга қараб учиш бўлган.

1989 йилда тайёра Хитойдан Японияга ўғирлаб кетилган. Босқинчилар ватанларига қайтариб берилган.

ДАРВОҚЕ, 1985 йилда АҚШ учишнинг хавфсизлигини таъминлашга 14 миллиард доллар сарфлаган, тижорат ташкилотлари эса, 21 миллиард доллар ажратишган.

Интер дангасаликми?

Мен шундай фикрдаманки, шўро эркаклари энг дангасадир. Хизматда ҳам қойил қилиб ишламайди, уйда ҳам ёрдам беришмайди...

Л. КУЗИНА. Оренбург.

«Ҳурматли эркаклар, сизларни рўзнома ва ойнаи жаҳондан дарҳол воз кечиб, уй ишларини бошқаришга киришишингизга чақираман», — тахминан ана шундай мурожаат билан Испания бош вазири Филип Гонсалес миллий ойнаи жаҳонда чиқиш қилган.

Мадрид. аёллар институтининг маълумотларига кўра, испанларнинг ҳар ўнтасидан олтитаси уй ишларини бажаришдан доим бўйин товлашар экан.

Ўз мухбиримиз устуни

ҚАДР

Мирзааҳмад АЛИМОВ,
«Комсомольская правда»нинг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири.

Бир неча кун бурун олис Литвадан иш сафаридан қайтдим. Айнан шу Болтиқбўйи жумҳуриятига боришим тасодиф эмас. Ахир шу йил март ойида янги Литва парламенти ўз жумҳуриятининг мустақиллиги ва унинг СССР таркибидан чиққанлиги ҳақида эълон қилганди-ку...

Литванинг кўплаб шаҳарларида эски ва содиқ дўстларим яшашади. Ушбу сафаримдан аввал ўтган йилнинг декабрь ойида уларда меҳмонда бўлган эдим.

1990 йилнинг 11 мартида Литва жумҳурияти мустақиллик эълон қилган маълум воқеадан кейин унинг ҳолини, бой-бадавлат ва эркин бўлган-бўлмаганлигини кўз билан кўриб, ишонишга қарор қилдик. Бу тўғрида тўлақонли репортажни «Комсомольская правда»да ўқийсиз. Ҳозирча эса фақат бир нарсани айтишим мумкин: март воқеаларидан кейин Литва халқи янада камбағалроқ ва ёмонроқ яшай бошлади. Жумҳуриятда барча ҳокимиятни оммавий халқ ҳаракати бўлмиш — «Саюдис» намояндалари ва етакчилари ўз қўлларига олдилар. Энди Литва рўзномалари асосан фақат янги бошлиқларининг хоҳиш-иродаларига мос келадиган нарсалар тўғрисида ёзишаяпти... Мана шундай ўзига хос «демократия».

Ҳеч қачон пештахтаси гўшт, тухум, пишлоқ ва бошқа сут маҳсулотларидан бўшамаган дўконлар саюдисчилар ҳокимиятга келганларидан кейин сезиларли даражада «яланғоч»лашиб қолди. Йирик дўконларда талабгир молларга алоҳида нарх белгиланган. Айтайлик бир қути фаранг атири 350—400 сўм, норкали пўстин — 6 минг, чет эл колготкалари — 18 сўм. Жумҳуриятнинг ҳар бир аҳолисига паспортини кўрсатгандагина ҳар ойда 300 граммдан ун маҳсулотлари, шунча миқдорда гурунч, бир шиша арoқ ва портвейн берилади...

Майли, колготка ва фаранг атирисиз ҳам бир иложини қилиш мумкиндир. Аммо бозорда бир кило гўшт 15—20 сўм, помидор — икки сўм, булғор қалампири — тўрт сўм, узум — ўн сўмдан бўлгач, болаларни тўйдириш нечоғли қимматга тушаётганлиги ташвишга солади кишини.

Иттифоқо, Вильнюсда шундай хаёлга бордим: биз шўро кишилари ўз қўлимиздаги мавжуд нарсаларни қадрига ета оламизми? Ўзимизнинг тинч ҳаётимизни ҳаққоний баҳолай оламизми? Болаларимизнинг текин ўқишлари, турар жой ва иш билан таъминланишимизничи?

Бизда — Шарқда «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деб балки бежиз айтишмаса керак... Мен Литва ҳақида эмас, ўзимизнинг серқуёш диёримиз — Ўзбекистон тўғрисида гапираяпман. Хоҳ ишонинг — хоҳ ишонманг, литваликлар бизга астойдил ҳавас қилишди. Улар биз тўғримизда тўқ жумҳуриятда яшайдиганлар деган иборани айтишди. Мен уларга баҳорда деҳқонларнинг томорқалари кенгайтирилганлиги ҳақида гапириб берганимда қардошларимиз ҳам қувонишди ва ҳам ҳайратланишди. Бир миллион икки юз минг оила томорқали бўлиши ёки борини кенгайтириши ҳазилакам ишми?! Бозорларда кўзни қамаштирадиган мева-сабзавотлар ана шу хусусий томорқаларда етиштирилмадими ахир?

Ва яна шуни англадимки, литваликлар Ўзбекистонда яшаётган кишилар тўғрисида тўла ҳақиқатни билишни исташади. У ерда менга «Комсомолец Узбекистана» мухбири Андрей Семеркин билан Литва ёшлар рўзномаси мухбирининг мусоҳабасини таржима қилиб беришди. Юртдошимизнинг ҳар бир жавобида юзакичилик, жумҳуриятни тахминий даражада билиши ўз аксини топган. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти қандай ривожланаяпти, деган саволга жавоб берар экан, у Чўлпон ва Фитрат ҳақида эндигина билдим дейди ва «Звезда Востока» ойномасида Қуръондан таржималар ўқиётганлигини айтади.

Мана шунинг учун ҳам рўзномамизнинг Литвадаги ўз мухбирини Тошкентга таклиф этдим. У ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб, Ўзбекистон тўғрисида бор ҳақиқатни ёзсин. Мен эса Литва ҳақидаги таассуротларимни ёзаман.

Мен шахсан бу жумҳуриятда кўплаб ўзбек йигитлари ҳарбий хизматни ўтаётганликлари ҳақида ёзаман. Бир қисмда бўлганимда, у ерда қирқ фоиз аскар — ўзбеклар эканлигининг ва зобитлардан биронта ҳам ўзбек йўқлигининг шоҳиди бўлдим...

Литвада оммавий митинг ва намойишлар бўлса, одамларни тинчлантириш учун аскарлар чопиб келишади. Ахир бизнинг ўғилларимизни бунинг учун хизматга чақиришмаган-ку...

Зобитлар йигитларимизни жуда мақташди. Рус тилини унчалик билишмаса ҳам лекин гапга кирадиган, айтганни қиладиган, ҳаракатчан аскарлар, дейишди. Йигитларимиз эса Шерали Жўраевнинг қўшиқларини жуда соғинганликлари ва кўпдан бери ўзбек ёзувчиларининг китобларини ўқимаганликларидан зорландилар.

Яқин вақтлар ичида «Ёш ленинчи» саҳифасида уларнинг ўз туғишганлари, қариндош-уруғлари ва яқинларига ёзган мактубларини эълон қилиш ниятидамиз. Келинглар, ўз юртдошларимизни қуруқ гап билан эмас, балки амалда эъзозлайлик. Кимнинг қурби етса, ўзбек миллий чолғу асбобларини, ёзувчиларининг китобларини, ҳофизларимизнинг қўшиқлари ёзилган пластинкаларни қуйидаги манзилга юборсин: «Тошкент-83, «Ёш ленинчи» рўзномаси.

Таҳририят уларни аскарларимизга етказади.

Қадрлай билиш — буюк мерос. Кимки ўз халқининг урф-одат ва анъаналарини, унинг сердсадо ва қувноқ тўйларини, мазмунли қўшиқларини, унинг меҳмондўст ва сахийлигини қадрига етмаса — у манқуртликка маҳкумдир.

Биз дўстликни кўз қорачиғидек асрашимиз керак. Ахир, дўстлик турли миллат кишиларини бойитади. Кучли қилади. Қайсидир суҳбатда америкалик бир журналист шундай деган экан: «Биз у ёки бу сабаб билан бошқа миллатга мансуб мутахассисларни жамоадан кетишларига йўл қўймаймиз. Уларнинг кетиши — катта иқтисодий йўқотишдир. Чунки муҳожирлар — арзон ишчи кучи ва интеллектуал манбаи». Американликлар анқов эмас, нимани қадрлашни яхши билишади...

Биз — Ўзбекистоннинг саховатли ва меҳмоннавоз заминида яшаётганлар, мустақил жумҳуриятимизнинг ёрқин келажагига бўлган ишончимизни сақлашимиз керакдек туюлади менга. Бундай кунлар олис тоғлар ортида эмас. Жумҳуриятимиз фақатгина иқтисодий эмас, шу билан бирга сиёсий жиҳатдан ҳам мустақил бўлишига — қайта қуриш омил...



Молия вазирлигимга ўз лирамни бахшида этаман

МУХБИРЛАРИМИЗ ҲУКУМАТНИНГ ИЖОЗАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ВАЛЮТАСИНИ ҚАНДАЙ САРФЛАШДИ

Орден ва ҳужжатларни таҳририятда қолдиришга тўғри келди. Биз нима ишга бораётганлигимизни — Жиноят кодексининг тегишли моддаси ҳали бекор қилинмаган, мамлакатда валютага савдо қилиш тўғрисидаги қарор эса айни кеча, 1 августда кучга кирганлигини билардик. Репортаж тайёрлаш эса жуда-жуда зарур эди. Бизнинг энг умидворларимиз нақд 70.000 италия лираси борлигини ҳисоблаб чиқишди, декларациясиз бу валютага қанча ноёб моллар харид қилиш мумкинлигини тахмин қилдик.

Муштарийларни хурсанд қилишимиз мумкин: таҳририятга ҳамма харид қилган нарса билан қайтиб келди.

Ҳисобот — қисқа. Валютага савдо қилувчи дўконларда ва «Берёзка»да навбат ҳамда тиқилинчлик йўқ. Моллар сероб. Ҳаммаси гўё коммунизмда бўлиши ваъда қилингандек. Сотувчилар ғоят хушмуомала. Менга шу суратларни олишимга имконият яратиб беришди. Ҳатто бирон бир таажжубга ҳам тушишгани йўқ.

Декларациялар номига «доғ» тушиб қолди.

«Украина» меҳмонхонасидаги «Берёзка» соҳиблари чек ура туриб: «Биз бирор бир нарсани декларация билан сотиш тўғрисида умуман ҳеч қандай фармойиш олганимиз йўқ. Бироқ, ҳозир қарор амалда!» — дея шунчаки шама қилишди. «Нима ҳам дейиш мумкин...»

Биз, умуман, уларни айбламаймиз. Ярим асрлик амалиёт (назариётнинг ҳақиқий мезони) ҳар қандай ҳолда бизда ҳукумат истаган пайтда эмас, балки ўрта амалдор ўзининг камтарона имзосини чекканда, лекин шахсий фармойишини бергандагина кучга киради. Пятницкий Кропоткинскдаги Пятницкая дўконида декларацияни ҳали ҳеч ким бекор қилган эмас. Катта Грузинскдаги «Берёзка» ҳудудида Ташқи савдо банкасининг «Д» белгиси қўйилган чеки ўтишини маълум қилувчи эълон осиб қўйилган.



Биргаликдаги корхоналарнинг дўконларида бу иш осонроқ. У ерда ҳужжатсиз ҳақ тўлайверасан. Хорижий шерикларимизнинг ҳаддан зиёд соддадил эканлигидан шубҳаланамиз. Зарари йўқ, «РЕЖАЛИ БОЗОР» уларни тез тартибга солиб қўяди.

Бир сўз билан айтганда ҳукуматимизнинг дадил қадамига баҳо беролдик. Лекин шундай бўлса ҳам «Комсомольская правда»нинг 26 июлдаги сонидаёқ биз томонимиздан берилган: қўлига валюта тутмаган кишилар нима қилиши керак? — деган савол туғилади. Талабалар, пенсионерлар, қоровуллар, троллейбус ҳайдовчилари-чи?.. Ташқи қарз қарийб 60 миллиард бўлган пайтда барча воситаларни валюта топишга қаратиш яхши эканлигини тушунамиз. Ҳа, ҳукумат: валюта биржаси, очиқ савдо бўлади ва бу валюта «яширин» бозорга чиқиб кетмайди, демоқда.

Тўғри, ҳақиқатан ҳам умид бахш этадиган янгилик бор. Таҳририятимизнинг куч-ғайрат сарфлаши билан ҳукуматимизнинг валюта жамғармасига тахминан 50.000 лир қўшиб, таҳририят учун қимматли бўлган моллар (14 кассета ва икки дўжна сигарет) сотиб олдик. Лекин шуни айтиш керакки, ҳатто мақталаётган валютага ҳамма нарса ҳам сотилавермайди. Котибимиз томонидан буюртма берилган фломастерлар сотиб ололмадик.

А. ДЯТЛОВ,
В. РАСТОРГУЕВ,
В. ВЕЛЕНГУРИН
(сурат)



Денгизчилар мактаби йигирма ёшда

Тошкентдаги ДОСААФ денгизчилар мактаби ўзининг 20 йиллигини нишонлашга тайёрланмоқда. Ўтган давр ичида бу билим даргоҳи Тинч океани, Шимолий флот, Болтиқ ва Қора денгиз флотлари учун минглаб денгизчиларни тайёрлаб берди. Уларнинг қарийб ярми маҳаллий миллат вакилларидир. Мактаб жамоаси бир неча марта Қизил Байроқли Тинч океани флоти ҳарбий кенгашининг кўчма вимпеллари билан тақдирланган.

Денгизчилар мактабида курсантларнинг билим ва дам олиши учун зарур шароитлар яратилган. Ўқув муассасаси яхши моддий базага эга. Талабалар турли «денгиз» фанларини ўтмоқдалар: кемаларнинг ясалиши ва жиҳозланишини, денгиз кемаларида ишлаш асосларини ва бу касбнинг бошқа нозик томонларини ўрганмоқдалар. Бу ерда тажрибали мутахассислар дарс бермоқдалар. Улар ҳам бир пайтлар ана шу ўқув даргоҳини битириб чиққанлар.

— Ҳозир ўқув методикасини қайтадан кўриб чиқаяпмиз, — дейди денгизчилар мактаби бошлиғининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Г. М. Портнов. — Эндиликда кенгайтирилган назарий билим беришни амалий машғулотлар билан бирга қўшиб олиб бормоқдамиз. Ўқитишнинг техника воситаларини қўллай бошладик. Ўқув хоналари қайта ускуналанмоқда.

Денгизчилар мактабининг юбилейи йирик воқеа арафасида ўтмоқда. 1996 йилда мамлакат Денгиз флоти ташкил топганлигига 300 йил тўлади. Талабалар бу шонли санага тайёргарликни ҳозирдаёқ бошлаб юбордилар. Суратлар галереяси ташкил этилмоқда, ҳарбий крейсерларнинг макетлари тайёрланмоқда.

Т. БОТИРБЕКОВ.

Акс-садо

ИБРАТ

Ҳурматли Мирзааҳмад Алимов.

Биз «Ёш ленинчи» рўзномасини, хусусан махсус сонини зўр ҳаяжон билан ўқиймиз. Сизнинг «Арқоннинг учи узун» (махсус 7-сон) мақолангизда «Ўзбекистоннинг келажаги ҳақидаги фикрингиз» деган жумлангизга қизиқиб қолдим. Оилани режалаштириш, туғилишни тартибга солиш керак, деган фикрим бор. Бу ҳам Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ бўлишига таъсир этади. Албатта фикримга кўпчилик қўшилмайди. «Саодат» ойномасида, «Ёш ленинчи»да бирин-кетин шу ҳақда мақолалар босилди, кўпчилик ёзувчи, шоирлар, кўпболали оналаримиз бу фикрни маъқуллашмади.

Ўзингиз таққослаб кўринг: ўн-ўн икки фарзанди бор оила билан икки ёки уч фарзанди бор оила ҳафтасига икки килограмм гўшт олади дейлик. Биринчи оилага ва иккинчи оилага қанчадан гўшт тўғри келади? Биринчи оилага ўн жуфт пойафзал, кийим-кечакка қанча пул сарф бўлади, иккинчисига-чи? Бунга яна беш ўғилни уйлантириш, иморат қуриш, беш қизни турмушга чиқаришни қўшайлик. Ҳозирги шароитда бир ўғилни уйлантириш ва бир қизни чиқаришнинг ўзи бўлмайди.

Тўғри, меҳнат қилишдан қочмаймиз, аммо яхши яшамаймиз. Сабаби топганимиз болаларни едириб-ичиришга, кийинтиришга, иморатга, тўй-ҳашамга, маъракага кетади. Ўзимнинг икки ўғил ва икки қизим бор. Шулар менинг бахтим, умрим мазмуни. Улар омон бўлса, қишлоқ оиласи учун етарли деб биламан. Ўзбек халқи жумҳуриятимиз порлоқ келажаги учун жон куйдираётганларни ҳамиша ҳурмат билан номларини тилга олади.

Равшан ИХТИЕРОВ,
Самарқанд вилоят, Қўшработ ноҳиясидаги 3-мактабнинг ўқитувчиси.

«ЗАР ҚАДРИНИ— ЗАРГАР БИЛАДИ»

Ҳаётда турли сўзларни ишлатишимизга қараб, ҳар хил маънода талқин қиламиз. Масалан, «илдиз» сўзини тиш доктори «тиш илдизи», биолог «ўсимлик илдизи», математик эса «квадрат, куб илдизи» деб тушинишади.

«Қайта қуриш», «демократия», «ошкоралик» каби сўзларни жумҳуриятимизда ҳам турли тоифадаги кишилар турлича қабул қилишди. Уни тўғри маънода тушунганлар ҳам ва унга амал қилувчилар ҳам талайгина. Лекин бу сўзларни таҳқирлаб, тескари маънода ишлатувчилар ҳам, текинхўр ва муттаҳамлар ҳам оз эмас.

Жумҳуриятимизнинг келажаги тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, кўпчилик ҳолдаги тангликни бартараф қилишнинг оғир юки юқори бўғин ходимлари, яъни юқори тоифа раҳбарлари ва меҳнаткаш омма зиммасига тушмоқда. Ўрта бўғиндагилар эса иккиюзламачилик ҳолатида. Бундай ҳолатлар ҳаливери давом этадиган кўринади.

Аслида эса қонунчиликни мустаҳкамлаш керак. Унга эса астойдил киришилганича йўқ. Онда-сонда ижобий ишлар ҳам мавжуд, лекин у етарлича эмас. Баъзан салбий ишларга орага тушиш қўнғироқлари ҳам учрайди.

Дарҳақиқат, «Зар қадрини — заргар билади»,— дегандек, «Қайта қуриш», «Ошкоралик» ва «Демократия» каби сўзларни дили пок, соф виждонли кишилар тўғри тушуниб, тўғри талқин қилишади. Аммо «баъзилар» учун бу сўзларнинг маъноси бошқача бўлиб қолаверади.

Ғуломжон ҚУРБОНБОЕВ,
Наманган вилоят, Чуст ноҳиясидаги Ҳисорак қишлоғи.

Борис ЕЛЬЦИН:
РОССИЯГА ҲАЛИ

Кўплар РСФСР Олий Шўроси Раиси Латвияда дам олган пайтида қандай ишлар билан машғул бўлди, деб сўрашади. Борис Николаевич у ерда ўзининг жисмоний чидамлилигини синаш учун бир, бир ярим соатлар дам олмай теннис ўйнарди, деярли ҳар кун Рига кўрфази соҳилларида ўнлаб километр масофани яёв кезиб чиқарди. Шу билан, бирга у Болтиқ бўйидаги уч жумҳурият давлат арбоблари ҳамда Юрмала шаҳри аҳолиси билан ҳам учрашиб турди.

— У Латвияда ўтказган вақтини қуйидагича баҳолади:

— Учрашувлар, хусусан, жумҳурият Олий Шўроси Раиси Анатолий Валерьянович Горбунов билан мулоқотимиз бизнинг эндиги муносабатларимиз қандай бўлиши лозимлигини анча ойдинлаштирди. Гап сиёсат, иқтисод, ижтимоиёт, миллий муносабат ва шубҳасиз, маданий алоқалар бўйича кенг қамровли шартнома ҳақида боряпти. Бу икки мустақил давлатнинг тенг ҳуқуқли келишуви демакдир. Гарчи биз барча ўн тўрт жумҳуриятга таклиф мактублари юборган бўлсак-да, бу мавзу бўйича мулоқотларимиз бизнинг расмий мурожаатларимиздан аввалроқ бошланган.

Литва, Латвия ва Эстония давлатларининг раҳбарлари билан суҳбат ҳам бўлиб ўтди. Бу суҳбатда биз Россия билан икки томонлама шартномалар масаласини муҳокама этдик. Ишончим комилки, бундай даражадаги маслаҳатлашувлар бир томондан марказ ва иккинчи томондан Болтиқбўйи давлатларидаги кескинликни фаол юмшатишга мувофиқ келади. Шартномани қисқа вақт: бир-бир ярим ой ичида тасдиқламоқ керак.

— Бу, СССР Президентининг Болтиқбўйига нисбатан юмшоқроқ қилиб айтганда унчалик таҳсинли бўлмаган муносабатларига қандай мувофиқ келади?

— Шундай фикр туғилдики, Горбачев бу маънода ҳамма нарсани ҳам керакли даражада ўйламаган. Эҳтимол, жуда бандлир... У Россиянинг Болтиқбўйи билан шартномалар ҳақидаги таклифи— бу энг «судраладиган» ажралиб чиқиш деган тахминга борса керак. Бу тўғрида шундоғам кўп гапиришди ва ёзилди.

Биз юқорилаб кетишни ҳам, пастга тушиб кетишни ҳам истамаймиз. Тилагимиз битта: хотиржам, ўзаро фойдали шерикчилик, Россия ўзи каби суверен Болтиқ давлатлари билан шартномалар тузишни мўлжаллаётган экан, бунинг нимаси ақлга сиғмайди? Ахир биз Англия билан битим тузишгача етдик-ку. АҚШ ва Япония билан музокаралар олиб боряпмиз. Нима учун энди биз бундай муносабатларни ўз мамлакатимиз, эски, жонажон қўшниларимиз билан қилмаслигимиз керак экан?

— Борис Николаевич, «Шартнома» сўзининг замирида ўз-ўзидан ўзаро фойдалилик, бекарам тирикчилик, келишувни амалга оширишда тенг ҳуқуқлилик тушунчалари ётади. Аммо шу нарса кишини хавотирлантирадики, Россия бой мамлакат ва ўз ғазнасидан Латвияга (ёки бошқа истаган давлатга) бебаҳо хом ашё бериши мумкин. Латвия Россияга нима бера олади?

— Шуни тўғри тушуниш керакки, қарамликдан холи бўлган мўътадил муносабатларда истаган, ҳаттоки энг камбағал мамлакат ҳам давлатлараро муносабатларда ажойиб шерик бўлиши мумкин. Ахир Латвия (умуман Болтиқбўйи) кам ривожланган шаҳарча эмас, балки саноати юқори даражада ривожланган давлат. Ҳозирги даврда олтиндан ҳам қиммат — анъанавий юқори маданияти ва бой илмий-техника имкониятларига эга бўлган давлат. Яна бунга сайру-саёҳат, дам олиш, енгил саноат, радио-техника тармоғи ва бошқаларни қўшиб кўринг. Ва ана шуларнинг барчаси сифатли бажарилади. Латвия юқори тараққий этган агросаноат комплексига эга. Ўйлайманки, эҳтиёждан ортиқча озиқ-овқат маҳсулотлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишни Россия ўз зиммасига олиши мумкин. Агар бозор муносабатларига тезкорлик билан ўтилса, буни кечиктирмай амалга ошириш мумкин. Шундай қилиб, мамлакатларимизни бирлаштирадиган ўзаро манфаатли қизиқишлар кам эмас.

Менинг мўлжалимча бизнинг шартномавий муносабатларимиз икки босқичга қурилади. Ва ҳозирча гап хом ашё ёки жиҳоз-ускуналарга жаҳон баҳоси ҳақида бораётгани йўқ. Буларнинг барчаси фақат музокаралар учун стол атрофида ўтирганимиздагина ойдинлашади.

— Мабодо мамлакат Президенти Латвияни қамал қилишни эълон қилса, Сиз қандай йўл тутардингиз?

—Иқтисодий қамалга мен қатъий равишда салбий муносабат билдираман. Бу ҳақда Горбачевга гапирганман ва ёзганман. Латвияга бундай муносабат йирик сиёсий хатолик. Ахир Венгрия, Чехословакия, Германия Демократик Жумҳурияти теварагида бундай қамаллар бўлмаганди-ку. Ва тўғри қилинганди. Агар халқ мустақилликка интилса, куч билан уни тўхтатиб қолиб бўлмайди. Бунда ҳокимият қанчалик босимга зўр берса, халқнинг қаршилиги шунчалик кучаяверади. Бизда —Россияда айрим мухтор жумҳуриятлар билан шунга ўхшаш ҳолат юзага келмоқда. Аммо биз куч билан ёки қўрқитиш йўли билан ҳаракат қилмаймиз. Аксинча, музокаралар йўли орқали, уларнинг мустақилликлари учун сўзсиз келишув орқали ҳаракат қиламиз. Қайси соҳаларда ўз мустақиллигини амалга оширишни ҳар бир жумҳуриятнинг ўзи ҳал қилсин.

— Борис Николаевич, Россия халқ депутатларининг биринчи съездига ҳам тўхталишни истардим. Ахир драматик ҳолатлар юзага келганди...

— Россия Олий Шўроси Раисини сайлашга атиги бир неча соат қолганда М. С. Горбачев 250 нафар коммунистлар, халқ депутатларини йиғиб уларга қандай йўл билан бўлса-да Ельциннинг сайланишига халақит беришни уқтирди ва у ана шу насиҳат билан Канадага жўнаб кетди.

Эртаси куни эса мени Олий Шўро Раислигига сайлашди. Шундай қилиб менинг оппонентларим ўзларига содиқ қолишди: улар ўз хатти-ҳаракатлари билан менинг номзодим учун имконлари даражасидаги барча нарсани қилишди. Ана шундай ажойиб рекламадан кейин ғалаба қилмасликка иложим бўлмади.

— Бундан келиб чиқадики, аппарат «генералитет»и шунчалик қашшоқ эканки, Сизга қарама-қарши қўйиш учун Власов ва Полозковдан бошқа ҳеч кимни тополмаган бўлса?

— Гап ҳатто бунда ҳам эмас. Қўрқув саросималикни, ҳаракатларнинг алғов-далғовлашиб кетишини келтириб чиқарди. Улар Ельцин ҳокимиятга келса ишни нимадан бошлашини жуда яхши тушунардилар. Аслида ҳам шундай бўлди: ишни мустақилликдан, бошқарув функцияларини ажратишдан, носиёсийлаштириш кабилардан бошладим. Аввал улар учун Литва ва Болтиқбўйи асосий оғриқ нуқтаси эди. Энди эса Россия бош оғриғи сифатида қўшилди. Россияни қамал қилиш мумкин эмас. Аксинча, у кимни хоҳласа қамал қилиши мумкин... Фақат у ҳеч қачон бундай қилмайди.

— Борис Николаевич, Сизнинг фирқадан чиқишингиз консерваторлар қароргоҳи ва шу билан бирга Россия Олий Шўросида «ғалаён» келтириб чиқариши мумкин. Шундай қадам қўйдингизки, бу қадамнинг ортида Сиз учун ҳалокатли оқибат бўлиши ҳам мумкин...

— Сиз ҳақсиз. Таваккал бўлди, бўлганда ҳам жуда катта. Чиндан ҳам «мени тўғри тушунишармикан, Олий Шўро ва съезд депутатларининг ишончларидан маҳрум бўлиб қолмасмиканман» деган ўйлар ҳаяжонлантирди. Ахир парламентдаги кўпчилик сал таъсирга ўзгарадиган ҳолатда. Шунинг учун ҳам фирқанинг XXVIII съездида депутатлар менинг аризамни қандай баҳолашларини билмасдим. Йўқ, бунга демократлар қандай муносабат билдиришларини билардим. Лекин мени бошқалар ташвишлантирди. Шуни айтиш мумкинки, Россия Олий Шўросидаги консерватив кайфиятдаги депутатларнинг баъзи бир устунликлари съезднинг қатор кучли, айтишим мумкин: Россия тақдири учун муҳим бўлган қарорлар қабул қилишига халақит беролмади. Россия халқ депутатларининг биринчи съезди анчайин таъсирли, СССР халқ депутатларининг барча учта съездидан ҳам қатъийроқ бўлди.

12 июль куни мен фирқадан чиқишим ҳақида эълон қилдим. 13 июлда эса Олий Шўро мажлисини олиб боришим керак эди. Бу кун мен учун ва умуман депутатлар учун ҳам йўққа чиқди, деб ўйловдим. Нимасини айтасиз, асаббузарлик ҳаддан зиёд бўлди. Мана, залга чиқаяпман ва... қарсаклар! Бундай учрашувни кутмаганимданми, ҳатто ўзимни йўқотиб қўйдим. Ўша куни қилмоқчи бўлган лекин ўзим бўлишига ишонмаган барча ишлар амалга ошди.

— Борис Николаевич, айтингчи, КПСС сафидан чиқиш Сиз учун шахсий психологик ва ғоявий бурилиш бўлмадими?

— Мен Олий Шўро Раиси парламентариялар ва фирқа қиёфасидаги икки ҳокимнинг хизматчиси бўлиши мумкин эмас деб ҳисобладим. Уларнинг қизиқишлари кўпинча халқнинг қизиқишлари билан унчалик мувофиқ келавермасди. Раис фақат сайловчиларининг манфаатлари йўлида ишлаши учун мутлақо қарам бўлмаган шахс бўлиши керак. Менга у ёки бу фирқа қизиқишларини намоён қиладиган чет эллик президентларни мисол келтиришади. Ҳамма гап шунда-да, «у» ёки «бу» лекин битта — танҳо эмас. Чет элларда, демократик мамлакатларда таъсир учун курашишади. Ва ким халқнинг кўзига адолатлироқ, ақллироқ, фаолиятлироқ бўлса, марра ўшаники. Бизда ахир Брежнев, Подгорний каби президентларни қўйишди. Улар кимнинг қизиқишларини ҳимоя қилишди? Албатта, уларни кўтарганларнинг. Халқ гўё бегонадек, у ҳақда ҳеч ким сўраб-суриштирмасди. Ва ҳозирча КПСС ҳуқуқий жиҳатдан ҳокимликдан воз кечган бўлсада ҳақиқатда эса ҳамон жиловни бошқармоқда. Бундан кейин ҳам то янги тузилган партиялар мустаҳкамланиб оёққа турмагунча шундай бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам кўп партиялилик ҳақидаги барча гаплар амалдаги фактдан кўра вақт ўлпонидир. Айтингчи, КПССдан бошқа яна қайси фирқа армияга, ДХҚ ва бошқарув структурасига таъсир ўтказа олади? Фирқанинг ҳокимлиги сақланиб қолади ва афсуски бир ёки икки йилгина эмас... Тўғри, бу фирқадаги жараёнларнинг қандай суратда кечишига боғлиқ. Ҳар ҳолда бўлиб ўтган съездлар бизга бундай ишонч ҳадя этмади. Шундай қилиб фирқанинг уйини йирик таъмирлаш амалга ошмади. Албатта, ниманидир сувалди, жило берилди, тозаланди аммо барибир ўша демократик марказлаштирилган идора усули сақланиб қолди. Мен яна бир карра таъкидламоқчиман: мен фирқанинг хоҳиш-иродасини эмас, Полозковнинг эмас, балки сайловчиларимнинг, халқнинг истагини бажо келтиришим керак. Шундай! Мана шу асосий принципдир.

— Кечирасиз, оилангизда биргина Сиз фирқа аъзосисиз, тўғрироғи энди собиқ аъзо шундайми?

— Бизнинг оиламиз сиёсийлашган. Бунга илк бор биринчи куёвим Валерий қарор қилди. Иккинчи куёвим Лешани яқинда КПСС аъзолигига номзодликка қабул қилишди. Тўғри, қабул қилишаётганда у фирқадаги мавжуд аҳволга нисбатан ҳайрихоҳ эмаслигини билдирди. У номзодлик муддатини ўтайдими ёки йўқми — билмадим... Рафиқам эса ҳали ўйланиб юрибди ва тўғри қилади ҳам. Бундай қарорларни мустақил равишда қабул қилиш керак...

— Сизнинг сайловолди Ҳаракат дастурингиз билан жамоатчилик озми-кўпми таниш. Лекин нима бўлганда ҳам турли шубҳа-гумонларни эшитиш мумкин. Сиз иқтисодчи эмассиз. Россиядаги нураган халқ хўжалигини оёққа турғазишга қурбингиз етармикан?

ЯРИМ АСР БОЛЬШЕВИКЛАР ВАТАНИДА

УНИНГ КЕТИШИГА ЛИТВИНОВ, КЕЛИШИГА ГРОМИКО КЎМАКЛАШГАНДИ

— ...Мен илк бор Москвага 1934 йилда келган эдим. Бунга менинг коммунистларга хайри-хоҳлигим сабаб бўлган. Колумбия дорилфунунида ўқиб юрган чоғимдаёқ, сиёсат билан шуғулланиб, талабалар иттифоқи ташкил этгандик. Биз завод ва фабрикаларга бориб, иш ташлаганларга мадад берардик. Ўша кезда АҚШдагиларнинг кўпчилиги Совет Иттифоқига умид билан боқишиб, янги жамият қандай барпо этилганини кўришга ҳавас қилишарди.

Бу мусоҳаба Москванинг қоқ марказидаги Рилеев кўчасида, унча катта бўлмаган ҳовлининг меҳмонхонасида юз бермоқда. Суҳбатдошимни тинглаб туриб, уни мамлакатимизда шу пайтгача ҳеч ким танимаслигидан ачиниб кетаман. Эдмунд Стивенс жаҳон журналистикасининг афсункорларидан бири. У ер куррасини айланиб чиққан. Аммо ҳаётининг асосий қисмини Совет Иттифоқида ўтказди.

Стивенс Москвадаги Коминтернннг хорижлик ишчиларга қарашли нашриётида паноҳ топди. Дастлаб таржимонлик қилди. У итальян ва француз тилларини мукаммал билар ва тез орада рус тилини ҳам ўрганиб олди. Бир йил ўтгач уйланди. Нина Андреевна ҳам шу нашриётда ишларди. Ўша кезда улар Москвада бинойидек туришарди: умумий хонадонда алоҳида хоналари бор эди. Нашриётда Стивенс В. И. Лениннинг танланган мақолаларини ва бошқа сиёсий адабиётларни нашрга тайёрларди. Ишга берилиб кетганди. Аммо бу чанқоқлик узоққа чўзилмади. Фақат 1937 йилгача давом этди, холос.

— 1937 йилда мени ишдан бўшатишди. Биз турган уй ярмигача бўшаб қолганди. Чунки ҳар куни тунги соат иккиларда қора машина келиб, кимнидир олиб кетарди. Мени ҳам ҳибсга олишларини кутиб турардик. Аммо менга тегишмади. Зеро, бунга журъат этиша олишмади, шекилли. Мен рус аёлига уйланган бўлсам-да, ҳамон Америка фуқаролигини сақлаб қолгандим. Бир неча бор кетишга чоғлангандим, аммо рухсат беришмади. Хотиним билан қўйиб юборишмади. Бир иложини қилиб кун кўриш керак эди. Шу боис менга совет ва америка савдо палатаси нашр қилаётган иқтисодий ойномада ишлашни таклиф этишди.

— Репортажларингиздан қайси бири эсингизда қолган?

— Россиядан олинган ҳар қандай янгилик ўша кезда, ҳозиргидек биринчи саҳифаларда чоп этиларди. Айниқса Иттифоқ уйидаги Бухарин устидан бўлиб ўтган суд тўғрисидаги репортажлар эсда қолган. Суддаги Николай Крестинскийнинг нутқи ҳамон ёдимда. У сўз олиб, судланувчилар орасидан фақат ўзи бутун айбни рад этди. Бу ўз-ўзидан кўпчиликда ташвиш туғдириб, олдиндан тайёрлаб қўйилган суд жараёнини издан чиқарганди.

— Иккинчи жаҳон урушини қаерда кутиб олгансиз?

— Ўша пайтдаги ташқи ишлар халқ комиссари Литвиновнинг ёрдамида хотиним ва уч ёшли ўғлим билан АҚШга жўнашга рухсат беришди. Чегарани кесиб ўтишимиз биланоқ, барча рухсатномалардан маҳрум бўлдик. Ўша кезда жаҳон тақдири Оврўпода ҳал бўлаётганди. Шу боис мен Ригага «Крисчен сейенс монитор»нинг мухбири сифатида келдим. Худди шу ерда урушга рўпара бўлдим. 39-йилнинг қишида Финляндияга, кейин Норвегияга ўтдим. Норвегия немис линкори «Блюхер»ни бутун қурол-аслаҳаси ва команда аъзолари билан чўктириб юборгани тўғрисида чет эл мухбирлари орасида биринчи бўлиб мен хабар бердим. Ўшанда уч мингга яқин сипоҳи ва аскар ҳалок бўлганди. Ундан сўнг Эфиопияда, Ливияда хизмат сафарида бўлдим. Ҳаммасини эслаш қийин...

— Кейинги гал Россияга қачон келдингиз?

— 1942 йилнинг августида. У кезда мен Қоҳирада эдим. Уинстон Черчилль ва АҚШнинг ўша кезда СССРдаги элчиси Аверелл Гарриман Москвага ўта туриб, Қоҳирада тўхташди. Улар Сталинга иккинчи фронтни очиш муддати кечиктирилганлигини хабар қилиш учун боришаётганди. Гарриман билан биз анча вақтдан бери яхши таниш эдик. Россияда бир неча йил яшаганлигимни билиб, менга мутахассис сифатида делегация аъзолари сафига қўшилишимни таклиф этди.

— Сиз музокараларда иштирок эта олдингизми?

— Йўқ, чунки улар юзма-юз Москва яқинидаги ҳукумат дала ҳовлиларидан бирида ўтказиларди. Бир ҳафта давомида ўз юмушларим билан машғул бўлдим. Москвага ўз ишимга қайтишни жуда ҳам истардим. Бу масалада А. Громико ёрдам берди. Шу боис 1943 йилда Россияга «Крисчен сейенс монитор»нинг мухбири сифатида келдим.

— Москвага сиз уруш тугаган заҳотиёқ қайтиб келдингизми?

— Ҳа, 1946 йилда биз оиламиз билан шу ерда эдик. Ўша кезда Зацепеда уйимиз бор эди. Биз боғли ҳовлини бир дурадгордан сотиб олгандик. У анча ҳашамдор макон ҳисобланарди. Урушдан сўнг у ерда яшаб кўпгина хориждаги нашрларга хизмат қилганман, Американинг «Лук» ва «Тайм»ларида анча вақт ишладим. 1963 йилдан бошлаб Англиянинг «Санди таймс» рўзномасида мухбирлик қилдим.

— Сизни чет эллик журналистлар мақоласини текширишдан ўтказишни йўқотишга ҳисса қўшган деган гаплар юради.

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай. Хрушчев билан яқин муносабатда бўлардим, дея олмасам-да, аммо унинг оила аъзолари билан тез-тез учрашиб турардим. 50-йилларнинг ўрталари бўлса керак, Хрушчевдан нега хорижлик мухбирларнинг мақолалари назорат қилинишини сўраб қолдим. Албатта бундай чиғириқдан ўтган янгиликлар ҳеч кимда ишонч уйғотмасди. Ўша кезда барча мақолаларни ўз нашрларимизга юбориш учун Марказий телеграфга берардик. У ерда махсус гуруҳ иш кўриб, жами мақолаларни синчковлик билан кўриб чиқар ва тегишли тузатишлар киритишарди. Никита Сергеевич мендан бу борадаги жами мулоҳазаларни батафсил ёзиб беришимни сўради. Бир неча ҳафтадан сўнг биз яна учрашдик. У менинг хатимни ўқиб чиққани ва келтирилган барча эътирозларга қўшилажагини маълум қилди. Ўша кундан бошлаб ўз мақолаларимизни муҳарририятга истаган йўл билан юборишга рухсат тегди. Умуман Хрушчев ҳамма жабҳаларда жуда очиқ киши эди. Брежнев билан эса чет эллик журналистларнинг биронтаси шахсан муомалада бўлишмаган.

— Бугунги кунда хорижлик мухбирларнинг ўз нашрларига юбораётган мақолаларида КПССнинг XXVIII съездидан сўнг мамлакатда юз бераётган иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар биринчи ўринга чиқарилмоқда. Сиз съезд якунларини қандай баҳолайсиз?

— Мен уни телевизор орқали мунтазам кўриб бордим. Биринчи кунлардаги таассурот алғов-далғовли эди. Энди ҳаммаси тамом бўлди, деб ўйлагандим. Сўнг вазият бир оз ўзгарди. Аммо съезд якунларини ижобий фикрлашдан йироқман. Унда вақт билан ҳисоблашмаётган делегатлар кўпчиликни ташкил қилди. Ҳозирги кунда ўтказилаётган ислоҳотлар партия ташаббуси билан эмас, балки Президент аппаратининг кучи билан амалга ошириляпти.

— Партия ҳозир қайта қуришга тўғаноқ бўлаяпти, деб ўйлайсизми?

— Маълум маънода ҳа. Аммо ўйлайманки, бу вақтинча ҳол. КПССда покланиш юз бериши даркор. Янги кучлар келиши мумкин. Унинг сафлари кун сайин камайишига қарамай, халқ ҳурматини қозонган партиянинг келажаги бор.

— Муҳарририятга энг сўнгги юборган мақолангиз нима ҳақида?

— Борис Ельциннинг сиёсий қиёфаси. У билан бир неча бор учрашиб, унинг аппаратидаги ёш ходимлар билан узоқ суҳбатлашдим. Менга Ельцин жуда ёқади. У очиқ кўнгилли, нимани ўйласа шуни бемалол изҳор этади. Мақоламдаги ғоялардан бири шуки, Ельцин ва Горбачев ҳамфикрдирлар.

Айримлар Ельцин халқнинг бошини айлантиряпти, дегани мени ажаблантиради. Агарда шундай бўлса, хўш бунинг нима ёмон томони бор?

— «Совуқ уруш» хавфи борган сари биздан узоқлашса-да, ҳамон унинг кўринишлари сақланиб қолмоқда. Сизнинг назарингизда совет ва америка муносабатларини янада яхшилашга нималар тўсқинлик қилаётир?

— Улар оз эмас. Аммо асосий тўсиқ — Куба. 60-йилларнинг ўрталарида «Тайм» учун Фидель Кастро ва унинг укаси Раул ҳақида туркум мақолалар ёзган эдим. Ўшанда улар билан учрашишнинг имкони бор эди. Ундан бери жаҳон ўзгарди-ю, аммо уларнинг фикрлаш доираси, рўй бераётган воқеаларга муносабати ҳамон бир жойда қотиб қолган.

— Ва сўнгги савол. Сизнинг оилангиз Москвада доимий яшайдими?

— Фақат рафиқам. Ўғлим Бостонда — меъмор. Қизимиз ҳам тез-тез келиб туради. Ўз вақтида у Катта театрда рақсга тушадиган ягона америкалик ҳисобланарди. Ҳозир бўлса у ишбилармон. Москвада унинг ўз савдо сотиғи бор.

П. ИНКИТОВ.

ЛИ ПЭН ХИТОЙ ТАШҚИ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА

ПЕКИН. (СИТА мухбири Владимир Орешин). Хитой бундан буён ҳам тинч қўшничилик принципларига асосланувчи ва ҳукмронлик ҳамда зўравонлик сиёсатига қарши қаратилган мустақил тинчликсевар ташқи сиёсий йўлдан бораверади, деб таъкидлади ХХЖ Давлат Кенгашининг раҳбари Ли Пэн халқ вакиллари Умумхитой кенгаши доимий қўмитасининг бу ерда очилган навбатдаги мажлисида.

Мамлакатнинг ташқи сиёсати, деб таъкидлади нотиқ, мавжуд реалликларни ҳисобга олиб қурилади ва у жумҳуриятнинг ички барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Хитой ташқи сиёсатининг асосий мақсади мамлакат учун узоқ муддатли тинч халқаро муҳит яратишдан иборат. Бу муҳит мамлакатни модернизациялаш учун зарур, деди Хитой ҳукуматининг бошлиғи.

У ривожланаётган мамлакатлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш Хитой ташқи сиёсатининг асоси бўлиб қолаверишини уқтирди. Сўнгги йилларда ХХЖ ривожланаётган давлатлар, аввало қўшни давлатлар билан алоқаларни кенгайтирди, учинчи дунёга мансуб бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликни фаоллаштирди. ХХЖ раҳбари Хитой халқи социалистик йўлдан бориб, барча ички ва ташқи қийинчиликларни енгишга қодирлигини таъкидлаб, мамлакатдаги вазиятни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан барқарор, деб таърифлади.

Халқ вакиллари Умумхитой Кенгаши доимий қўмитаси мажлисининг иштирокчилари Хитой ташқи сиёсати тўғрисидаги маърузадан ташқари, бу йил мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режаси қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги, фан ва техника соҳасидаги ишларнинг аҳволи тўғрисидаги маърузаларни ҳам тинглайдилар. Муаллифлик ҳуқуқи, темирйўллар, мамлакатга қайтиб келаётган Хитой муҳожирларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ва бошқа бир қанча ҳужжатларни кўриб чиқиш давом эттириладилар.



Польшалик енгил саноатчилар турли хил кийим-кечакларни харидорларга тақдим қилишяпти. Уларни савдо ташкилотларига юборишдан олдин кўрикларда намойиш этилиб, жамоатчиликнинг фикри ўрганилмоқда. Айниқса енгил ва бежирим тикилган кийим-кечаклар поляк хотин-қизларига маъқул тушаётир.

СУРАТДА: варшавалик чеварлар яратган янги кийим-кечакнинг тури намойиш этилмоқда.

ЦАФ—СИТА сурати.

Чет элларда

ВАРШАВА. Польша пойтахтидаги симёғочларга ва уйларнинг деворларига ишсизларни ҳимоя қилиш қўмитасининг меҳнат қилиш ҳуқуқи, қаттиқ тежамкорлик режасини турмушга татбиқ этишнинг салбий оқибатларига, аввало оммавий ишсизликнинг ўсишига фаол қаршилик кўрсатиш учун курашда куч-ғайратларини бирлаштиришга чақирувчи даъватлар осилган. Польша касаба уюшмалари бу қўмитани тузганлиги ва унинг қатъий даъвати ғоят долзарбдир. Сўнгги статистик маълумотларга қараганда август ойининг ўрталарида Польшада 767 мингдан зиёд ишсиз борлиги қайд этилган. Шуларнинг деярли учдан бир қисмини малакасиз ишчилар ташкил этади.

БЕРЛИН. Галледа ГДР бош министри Лотер де Мэзьер билан ГФР канцлери Гельмут Колнинг фаол иштирокида оммавий митинг бўлиб ўтди. Ушбу сафар ГДР халқ палатаси ГДРнинг 3 октябрдан бошлаб ГФР таркибига кириши тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин икки герман давлати етакчи сиёсатчилари биргаликда амалга оширган дастлабки тадбир бўлди.

Шаҳарнинг марказий майдонида ўтказилган митингга ГДР байроқларини ҳамда ГДРнинг ГФРга қўшилишда шошилаётганини қораловчи транспарантлар кўтарган юзлаб Галлей аҳолиси келди. Айрим транспарантларда «Коль, уйингга жўнаб қол» деган сўзлар ёзилган эди.

Бу митинг иштирокчилари бошқа қисмининг катта норозилигини уйғотди. Канцлер тарафдорлари ўзларининг оппозициячи кучларга, хусусан, демократик социализм партиясига ошкора қарши кайфиятда эканликларини рўй-рост билдирдилар. Ўнг экстремистларни қўллаб-қувватловчи «Бизга республикачилар керак» деган даъватлар ҳам янгради.

ВАШИНГТОН. Жума куни АҚШ конгресси вакиллар палатасининг ва сенатининг делегациялари Ироқнинг Қувайтга қурол билан бостириб кириши оқибатида у ерда вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий вазиятни ўрганиш учун Яқин Шарққа жўнаб кетади. Сешанба куни Америка конгресси раҳбарияти шу режаларни эълон қилди.

Хорижий ишлар, қуролли кучлар ишлари комитетининг ва сенатнинг разведка бўйича махсус комитетининг ўн нафар етакчи аъзосидан иборат сенат делегациясига Клейборн Пелл раҳбарлик қилади. Делегация Саудия Арабистонига, Бахрайнга ва Мисрга боради.

НЬЮ—ЙОРК. Қўшма Штатларда жанубий районлар аҳолиси кейинги ўн йил ичида айниқса тез суръатлар билан кўпайди. Шу йилнинг апрель ойида ўтказилган аҳолини рўйхатга олишнинг дастлабки натижалари шундан далолат бермоқда.

Аввалги рўйхатга олиш ўтказилган 1980 йилдагидек Калифорния мамлакатдаги аҳолиси энг гавжум штат бўлиб қолмоқда. Ҳозир бу ерда деярли 30 миллион киши яшамоқда. Бу ўн йил аввалгидагига нисбатан деярли 24 фоиз кўп. Лекин ўн йил муқаддам бу штат энг тез ўсаётган штат деб ҳисобланган бўлса, энди Флорида бу жиҳатдан ундан ўзиб кетди. Унинг аҳолиси ўн йил ичида 31 фоиз кўпайди. Жанубдаги яна бир Жоржия штатининг аҳолиси ҳам анчагина — 17 фоиз кўпайди.

Аҳолининг кўпайганлиги амалда бутун АҚШ ҳудудида қайд этилган.

(СИТА).

ХИТОЙДА КАДРЛАР СИЁСАТИ

ПЕКИН (СИТА мухбири Владимир **Орешин**). Кадрлардан, биринчи навбатда юқори малакали мутахассислардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳозирги вақтда Хитой ҳукумати олдида турган вазифа ҳисобланади. Ушбу масалани ҳал этишга эътибор берилаётганлиги туфайли, кадрларни оқилона ишга жойлаштириш ишида дастлабки муваффақиятларга эришилди.

Кейинги бир неча йил давомида турли даражалардаги раҳбар кадр ходимларидан ярим миллиондан ортиқ киши асосий халқ хўжалиги иншоотларига — энергетика, транспорт, хом ашё комплекси корхоналарига ишга ўтказилди. Бу мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти вазифаларини яхшироқ ҳал этишга кўмаклашиши керак. Яна 250 мингга яқин хизматчи ўзининг касб-кор тайёргарлиги даражасига кўп жиҳатдан мос келадиган янги ишларга тайинланади.

Нотиқлар «бир миллиондан кўпроқ оиланинг бирлаштирилганлигини» сўнгги ўн йилликда кадрлар сиёсатини такомиллаштириш ишида эришилган жиддий муваффақият сифатида таъкидладилар. Илгари мамлакатнинг турли шаҳарларида ишлаган ва ўз ихтиёрига кўра яшаш ва иш жойини ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлмаган эр-хотинлар энди биргаликда яшаш имкониятини олдилар.

ИШОНИШ МУМКИН

— Айтингчи, Рейган иқтисодчимиди? Ва «рейганомика» тушунчаси қаердан пайдо бўлди? Гап менинг маълумотим бўйича кимлигимда эмас, балки ҳаммасидан ҳам мен барча янгиликларни қандай тўплашим, улардан қандай фойдалана билишимда. Тўғрисини айтсам мен иқтисодга керагича чуқур кириб борганман. Умуман, бу ерда бир нима дейишга гап етарли.

Муқобил иқтисодий дастурлар ишлаб чиқиш бўйича гуруҳлар бор. Жуда қатъий, қизиқарли ва биз учун нимададир замонавий. Биз Россия дастурига улардан бирини жалб этишга қарор қилдик. Рўзномаларда 500 кунлик иқтисодий реформа ҳақида ёзишди. Босқичма-босқич ва халқнинг турмуш тарзи пасаймаган ҳолда. Мен бу гуруҳлар билан учрашдим ва нақадар кучли иқтидорлар унга жалб этилганлигига ишонч ҳосил қилдим. Асосан, булар АҚШ, Япония, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлар мисолида жаҳон иқтисодиётининг вужудга келиши тажрибасини ўрганувчи ёш, иқтидорли олимлар. Тўғри, бу дастурда битта етишмовчилик ёки тўғрироғи, ўзига хослик бор: уни ягона пул бирлигида амалга ошириш мумкин. Шунинг учун ҳам биз Россияни назарда тутиб айрим тузатишларни лозим кўрдик. Бу гуруҳ аъзоларидан бири — Григорий Алексеевич Явлинскийни биз мазкур реформа учун масъул қилиб тайинладик. Харита ҳам унинг қўлида.

Биз ҳозирча Россия ҳудудида ўз пул бирлигимизни жорий этмоқчи эмасмиз. Шунинг учун ҳам Россияда реформани бу ўлканинг ўз дастури билан бошлаш кераклиги таклифи билан Юрмаладан туриб М. С. Горбачевга ёзма равишда мурожаат қилдим. Ва Россия дастури моҳияти негизида Иттифоқ дастурини тайёрлашни таклиф қилдим. Бунинг учун биз қолипдан ташқарида фикрлайдиган олий даражадаги иқтисодчилар гуруҳини танлаб олишимиз зарур.

Шундай топшириқни Президент билан тасдиқладик ҳам. Тайёргарлик вақти — шу йилнинг 1 сентябригача.

Бундан ташқари, бизнинг Олий Шўромизда иқтисодий муаммоларни ҳал этиш юзасидан муҳим қарорлар ишлаб чиқадиган тузилмалар бор. Мен тузилган олий иқтисодий кенгашни назарда тутаётирман. Россия Олий Шўроси ва унинг Раиси қатламлари ўртасида маълумот олиб борадиган яна бир жамоатчилик тузилмаси бор. Бу, ақл-заковат қидирувчи кенг қамровли, умидли орган. У шундай номланади: ҳар қандай қабул қилинган қарор натижаларини текшириб борувчи мувофиқлаштириш — маслаҳат кенгаши. Биз барча иқтисодий сиёсатни бир киши ёки бир гуруҳ кишиларнинг қўлига топшириб қўйишдек хатони такрорлашни хоҳламаймиз. Айтайлик, гап Абалкин ҳақида боряпти. У жуда ақлли, билимдон олим. Лекин у ёлғиз ўзи йўналиш бермоқда. Унинг битта хатоси мамлакатнинг барча аҳолисида акс этади.

Мувофиқлаштириш — маслаҳат кенгашида ҳаммаси бўлиб турли йўналишдаги 25 нафар мутахассислар, чет элларда яшаётган, Россияга ўз хизматларини таклиф этган бир неча нафар ватандошларимиз бўлиши лозим.

— Леонтьев ҳам-а?

— Леонтьев ҳам. Бунич ҳам, Рижов Юрий Алексеевич ҳам, Емельянов ҳам. Заславская ҳам, Шаталин, Сорос, Шмелев, Нит, Медведев, қатор ишлаб чиқариш иқтисодчилари ҳам.

— Демак, Россияга бозор иқтисодига «сакраш» учун 500 кун керак бўлар экан-да? Ҳозир иқтисодни соғломлаштиришга йўналтирилган қандайдир аниқ қарорлар борми?

— Мен ҳозиргина Юрмалада «Ҳосил — 90» юзасидан Россия фуқароларига мурожаатга қўл қўйдим ва РСФСР Вазирлар Кенгаши ҳужжатини маъқулладим. Бу ҳужжат ҳосилни йиғиб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ кишиларнинг моддий манфаатдорликларини оширишга йўналтирилган. Бу қарорнинг мақсади оддий: режаларни ошириб бажарган ходимларга (маҳсулотнинг аниқ ҳисоби бўлмаса, истеъмолчига етиб бормаса, бунга кирмайди) махсус чек берилади ва улар талаб-эҳтиёж катта бўлган камёб молларни олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

— Борис Николаевич, Сизнинг Россия Олий Шўроси иши ҳақидаги ҳикоянгизга қайтсак. Сиз «ўнг»лар билан ҳам ва «сўл»лар билан ҳам тил топиша олишга қандай эришаяпсиз?

— Съездда биз деярли барча депутатлар гуруҳини рўйхатга олдик ва парламент олдида улар теппа-тенгдирлар. Шу ўринда бир гап: СССР Олий Шўроси ҳалигача минтақалараро депутатлар гуруҳларини рўйхатдан ўтказмади... Мен ҳар куни кечқурун, мажлисдан сўнг қандайдир гуруҳ билан учрашдим. Суҳбатларимиз очиқчасига, «силлиқлаш»ларсиз бўлди ва бу бизни анча яқинлаштирди.

Икки, уч соат давом этадиган бундай суҳбатлар шунга олиб келадики, аввал менинг фикрларимга, тутган йўлимга қўшилмаган 80 фоиз депутатлар натижада мен билан маслакдош бўлиб қолдилар. Қўлни қовуштириб ўтирмасдан кунига йигирма соатдан ишлаётганимни ҳамма кўриб турибди. Бу оппозицияда бўлмасам ҳам ишлай олишимдан далолат.

— Сиз анъанавий мухолифингиз — Егор Лигачевнинг сиёсий майдондан чиқиб кетганлигига ачинмаяпсизми?

— Менимча бизни вақт муҳокама қилди. Бу «содиқ ленинчи» ўзлари шон-шарафга буркаган фирқадан ҳам кўпроқ ҳаётдан ортда қолганди. У шунчаки фирқага кераксиз бўлиб қолди ва фирқа уни кетишга мажбур этди. Шундай бўлса-да, уни қаттиқ муҳокама этиш керак эмас. Вақтнинг ўзи ҳаммасини жой-жойига қўйди...

— Россиянинг ўз Давлат Хавфсизлиги Қўмитаси бўладими ва унинг раислигига қувғин қилинган Калугин мўлжалланмаяптими? У билан бу ҳақда суҳбатлашганмисиз?

— Бу ҳақда у билан гаплашдик. Бир неча номзодни муҳокама қилдик. Ҳозирча бир нарса тайин. Янги жамоатчилик хавфсизлиги қўмитаси раисининг ўринбосари этиб мамлакатда танилган СССР халқ депутати майор Лопатин тайинланса керак. Қўмита вазифалари ДХҚникидан мутлақо бошқача бўлади. Бу вазифаларнинг асосийси — инсон манфаатларини, унинг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Бу ҳимоя органи бўлади, — «айғоқчи» эмас. Россия ҳудудида ДХҚ бўлинмалари Россия жамоатчилик хавфсизлиги қўмитаси орқали фақат Россия Олий Шўросига бўйсунади.

Худди шундай, хазина Вазирлар Кенгаши тасарруфидан чиқарилди. Бу бизнинг мамлакатимиз учун ғайри оддий иш. Шунингдек, хазина Вазирлар Кенгашига бўйсунмайди. Хазина вазифалари пул-кредит билетлари учун назорат бўлади. Ўз молия вазирлигимиз вужудга келди. Унинг вазири 32 ёшда. Умуман, Россия Вазирлар Кенгаши аъзоларининг ўртача ёши 47 га тўғри келади.

— Ҳар қандай инқилобий жараёнларда ҳамиша сўнгги сўз ишчилар синфи томонидан айтилади. Кончиларнинг биринчи съездида, бугун КПСС ёрдам беришдан кўра янгиланишларга тўсиқ бўлмоқда, дея баёнот қилишди. Сизнинг кончилар ва умуман ишчилар синфи билан ўзаро муносабатларингиз қандай?

— Мен Воркута, Кузбасс, Донецк кончилари билан учрашдим. 11 июль куни улар сиёсий иш ташлаш ўтказишга тайёрланишганди. Иттифоқ ҳукуматидан кимдир ўйлабдики, мен уларни бу йўлдан қайтарар эмишман. Мен бундай қилмадим. Кончилар учун иш ташлаш уларнинг ҳуқуқлари учун курашда муҳим воқеа. Улар иттифоқ ҳукуматига ишончсизлик билдиришди. Чунки ҳукумат кончиларнинг талабларини назар-писанд қилмади. СССР Вазирлар Кенгашининг 608 сонли қарори амалда йиғиштириб қўйилган — унинг биронта ҳам банди бажарилмаган. Мен кончилардан биргина нарсани — иш ташлашни чўзиб юбормасликни, мамлакатда тангликка сабаб бўлиб қолмасликни сўрадим. Кейин мен кончиларга «зангори экран» орқали мурожаат қилдим. Улар эса ваъдаларини бажаришди. Митинглар ўтказишди, намойиш қилишди. Бунинг учун атиги бир неча соат вақт сарфланди, холос. Россия ҳукумати, марказдан умид қилмаган ҳолда кончиларнинг шароитларини яхшилаш учун имкон даражасидаги барча ишларни қилади.

Кончилар ўз резолюцияларида Россия ҳукуматига ишонч билдиришди. Барча учун ўзаро бир-биримизни тушуниш дегани бу.

— Борис Николаевич, сиз қандай ҳолатда истеъфо беришингиз мумкин?

— Агар халқ ишонишдан воз кечса ва уч йилдан кейин биз ҳаракат дастурини амалга оширолмасак. Бу мен учун ҳаётимнинг энг сўнгги қозиғи бўлади. Аммо мен келажакка ишонаман.

А. ОЛЬБИК суҳбатлашди.
РИГА.

Бир сўмга нима сотиб олса бўлади?

Хорижий валютасининг нархи «чайқов бозорида» тўхтовсиз ошиб бормоқда. Махсус нарх белгилангандан сўнг долларлар ҳақиқатан ҳам «олтин нархида» бешга бир бўлиб қолганми?

Н. ЛОМИДЗЕ.

Мухбиримиз худди ўша «чайқов»да — Рига бозорида ва меҳмонхона олдида бўлди. Маҳаллий валюта «алмашувчилар» жуда хушмуомала эдилар. Чунки АҚШ доллари 17-18 сўмга, Ғарбий Олмония маркаси 11-12 сўмга, Англия фунт стерлинглари — 25 сўмга «кетаётган» эди.

Тарозидан уриш Иттифоқ миқёсидами?

Кеча менинг харидимдан 50 грамм уриб қолишди. Бундайлар фақат бир мен эмас-ку... Агар ҳар биримиздан эллик граммдан уриб қолишаверса нима бўлади?

А. БАКШАЕВ.
Москва вилояти.

Ҳаммамиздан ҳам вақти-вақти билан ёки тарозидан уриб қолишади ёки ҳақимиздан... Бу ҳақда қанча гапирилган!

Хўш, нима қилинди?

Яқинда Статистика давлат қўмитаси Юстиция, Молия, Ички ишлар вазирликлари ва СССР Прокуратураси ёрдамида ўтказилган тадқиқот натижасини эълон қилди. Маълум бўлишича, бир йилда тарозидан, метрдан, ҳақидан уриш туфайли харидорлар 10,7 миллиард сўм йўқотишар экан. Бу фақат савдода.

Уй-жой-коммунал хўжалигида, маиший хизматда яна 2,6 миллиард сўмга алданилади. Транспортда чўнтагимиздан 2 миллиард сўмгача шилиб олишади. Касалхоналарда бу рақам 0,6 миллиард сўмга тўғри келади. Яна миллиард сўмга яқин пул турар-жой, гараж, дала ҳовли учун пора сифатида берилади.

Маскарад буйруқ бўйичами?

Эшитишимча, мамлакатимиз пойтахтида ҳарбий соқчилар милиция формасида юришган эмиш. Нима, милиция яна етишмаяптими?

Н. К.

Ҳақиқатан ҳам Москвада постда туриш ва соқчилик хизматига аскарлар ҳам жалб қилинган. Бу СССР Ички ишлар вазирлигининг махсус моторлаштирилган ички қўшинлар қисмидир. Жамоат тартибини сақлаш — ИИВ қўшинларининг асосий вазифаларидан биридир.

Шу йилнинг бошидан бери милиция формасидаги аскарлар томонидан жиноий иш қилганлиги учун 6 киши, безорилик учун — 708, маст ҳолда жамоат тартибини бузганлиги учун — 3542, бошқа тартибсизликлар учун — 4518 киши ушланган. Шунинг билан бирга 11 та совуқ қурол, битта ўт очиш қуроли қўлга олинган. 4 минг сўмдан ортиқ пул ва қимматбаҳо нарсалар ўз эгаларига қайтарилган.

Милиционерлар эса ҳақиқатан ҳам етишмаётир...

Ҳаёт қанча туради?

Ҳалок бўлган милиционерлар оиласига товон тўланадими?

Д. ИВАНОВ.

СССР Ички ишлар вазирлиги жамоа кенгаши хизмат вазифасини бажараётганда ҳалок бўлган милиционерларнинг оиласи ва яқинларига пул товони тўлаш ҳақидаги масалани кўриб чиқди. Кейинроқ бўлиб ўтган матбуот конференциясида унинг ҳажми беш йиллик ойлик маошига тенг қилиб белгиланди.

Агар шўро милициясининг ўртача ойлик маоши 250 сўм бўлса, унда жами 15 минг сўм бўлади.

Ҳалокатга учраган Америка полициячисининг оиласи 200 минг доллар олади.

Тартиб посбонларига қанча тўланади?

Болтиқ бўйида Ички ишлар вазирлигининг кичик сипоҳилари 1000 сўм маош олишлари тўғрими?

С. ВАРЕНЦОВ.

СССР Ички ишлар вазирлигидан бизга хабар қилишларича, милиционернинг ойлик маоши стажига ва унвонига боғлиқ. Россияда ва Иттифоқимизда бу 150 сўмдан 260 сўмгачани ташкил қилади. Латвия ва Литвада «Диалог» мухбирига айтишларига кўра, милиционерларнинг ойлиги кўплиги ҳақидаги гаплар миш-миш экан. СССР ИИВнинг аниқлашича, Литвада биринчи йил ишлаётган милиционернинг ойлик маоши 160 сўмдан 200 сўмгача бўлиб, унга қўшимча жумҳурият бюджетидан 30 сўм тўланар экан. Латвияда эса ойлик 155 сўмдан 200 сўмгача. Эстонияда, маълум бўлишича, фақат Таллинда милиционерларнинг ойлигидан ташқари уезд кенгашлари ойига қўшимча 100 сўм тўлашар экан.

Қотилдан ҳам даҳшатли ким?

Автомобиль ҳалокати туфайли бизда ва хорижий элларда неча киши ҳалок бўлади?

И. ПРОКАДКИН.
Львов.

«Ҳар йили Европа йўлларида шунча одам ҳалок бўладики, буни ўртача бир шаҳар аҳолисига тенглаштирса бўлади», — дейилади Европа иқтисодий комиссиясининг барча қитъалардаги мамлакатларга жўнатилган хатида.

Шуни тан олиш керакки, бундай «шаҳарча» бизда каттагина ноҳияни ташкил қилади. СССРда ўн минг дона транспортга 10,3 киши ҳалок бўлаётганлиги тўғри келса, ГФЖда бу рақам — 3, АҚШда эса — 2,5 кишига тўғри келади. СССР ички ишлар вазирининг ўринбосари С. Лисаускас яқинда ўтказилган брифингда ўтган йили мамлакатимиз йўлларида эллик саккиз мингдан ортиқ одам ҳаётдан кўз юмганини хабар қилган. Қотилликлар ундан ҳатто уч марта кам бўлади.

Мавзуни давом эттирамиз

«МЕН ДХҚда ИШЛАЙМАН»

ДХҚ тўғрисида материаллар чоп этишдан асосий мақсадимиз — СССР Конституциясини ва фуқаролар хавфсизлигини ишончли ҳимоя қиладиган органни ташкил этишга кўмаклашишдан иборат.

Давлат хавфсизлик органи ва СССР ДХҚ тўғрисида ДХҚда Қонун лойиҳаси тайёрланган. Лекин фикр-мулоҳазалар ва таклифлар олдиндан эътиборга олинмаган бўлса, қонунни қабул қилиш кўпинча чўзиб юборилишини биз парламентимизнинг иш тажрибасидан яхши биламиз. Шунинг учун биз барчанинг фикрини билишни истаймиз. Биринчи навбатда Давлат хавфсизлик қўмитасида ҳозир хизмат қилаётган устамонларнинг фикр-мулоҳазаларини билишимиз зарур. Улар қандай ташкилотда ишлашларидан қатъи назар махсус хизмат тақдирига бефарқ бўлмаган кишиларнинг фикр-мулоҳазаларини билишимиз муҳим.

ДХҚнинг ана шундай ходимларидан бири 40 ёшли подполковник Владимир Морозов.

Политехника институтини тамомлагандан кейин заводда ишлади, у ердан ДХҚга ўтди. Давлат хавфсизлиги органларида иш бошлаганига 16 йил тўлди. Чекка бошқармалардан бирида ишлади, ҳозирги пайтда Москвада марказий аппаратда.

— Владимир Васильевич, сизнинг фикрингизча, ДХҚни ислоҳ қилишни нимадан бошлаш керак? — деган саволга жавоб бериб қўяқолайлик.

— Аввало, органларни сиёсатдан ҳоли қилиш керак.

— Сиёсатдан ҳоли қилиш — бу ДХҚ ходимлари фирқасиз бўлиши, демак...

— Фақат шугина эмас. **Махсус хизмат ходимлари, улар Давлат хавфсизлик органларида хизмат қилаётганларида, бирор бир фирқа сафларида турмасликлари, сиёсий фаолият билан шуғулланмасликлари зарур.**

— Мен ҳатто «сиёсатдан ҳоли қилиш» атамасини «холис қилиш» атамаси билан алмаштирган бўлардим. Ахир дунёда сиёсатдан ташқари бирон-бир махсус хизмат йўқ. Бироқ улар демократик мамлакатларда халқ иродаси давлат органларининг, сиёсатини ўтказадилар. Мамлакатимизда, аввало бу Олий Шўро танлаб олган бўлиб, унинг топшириғи бўйича махсус хизмат мамлакат парламентининг, бирор бир сиёсий фирқанинг ана шу Олий Шўронинг сиёсатини рўёбга чиқариш билан шуғулланиши зарур.

Органларни сиёсатдан ҳоли қилиш тўғрисида ДХҚ кадрлар таркиби ўртасида биринчи кун гап бораётгани йўқ. Тўғри, уларнинг оғзини ёпишга ҳаракат қилишади. Ҳали бунга вақт етгани йўқ, фирқа учун ғоят мураккаб бўлган пайтда уни ташлаб қўйиш мумкин эмас, деб изоҳлашади. Лекин биз тарихимиздан органларда алоҳида сиёсий гуруҳлар ишлаганда бу халқ учун қандай фожиа келтирганлигини биламиз.

Мамлакат парламентига тақдим этилаётган Давлат хавфсизлиги қўмитаси ва СССР ДХҚ тўғрисида Қонун лойиҳасининг ишчи варианти билан танишганимда раҳбариятга уни холис қилиш, демилитаризация этиш ва бошқалар ҳақида ўз таклифларимни берганман.

— Ана шулардан биронтаси эътиборга олиндими?

— Йўқ.

— ДХҚ тўғрисидаги ана шу қонун лойиҳасини муҳокама этиш қандай бормоқда?

— Ҳаттоки қўмита ичида ҳам амалда ҳеч қандай муҳокама бўлгани йўқ. Малакали ходимларнинг жуда кўпчилиги бундан четда қолишди, деб ўйлайман. Эҳтимол, шундан ҳам қонун лойиҳаси ҳали қонун бўлмасдан туриб, аллақачон эскириб қолди.

— Тушунтириб берсангиз.

— Унинг асосига эски ҳаракат дастури қўйилган. ДХҚ аввалгидек марказлаштирилган иттифоқ-жумҳурият вазирлиги бўлиб, иш доираси ва вазифалари бўйича марказга қаттиқ бўйсунади. Миллатларнинг ўз миллий хавфсизлигини, жумҳурият мустақиллигини ҳимоя қилиш ҳуқуқи қандай бўлади? Яна бошқа муҳим бўлинишлар ҳам бор. Амалда КПСС тўғрисида лойиҳада лом-мим дейилмаган бўлишига қарамай, ҳозир фирқани ҳимоя қилиш принциплари сақланиб қолмоқда. ДХҚ аввалгидек фирқавий-сиёсий масалаларни ҳал этишда восита бўлиб қолаяпти.

Келгусида ана шу асосий ва бошқа қоидалар лойиҳада бўлиши билан келишмай, биз ўзимизнинг таклифларимизни тайёрлай бошладик.

— Биз деб кимни назарда тутдингиз. Сиздан ташқари яна кимлар бор?

— Давлат хавфсизлик қўмитаси ходимлари ичидаги маслакдошлар гуруҳи. ДХҚ раҳбариятидан бирор бир кишининг, айниқса матбуотда, исм-шарифини айтишдан ҳозирча ўзимни тияман.

Лекин ДХҚ раиси Крючковга таклифларимизни ва қонун вариантимизни синчиклаб ишлаб чиқиш имкониятини беришни сўраб рапорт бердим.

Бунгача мен фирқадан чиқдим.

— Нима учун?

— Албатта бу қарорга келишим бирдан пишиб етилгани йўқ. КПССдан чиқиш ва махсус хизматни холис қилиш тўғрисидаги фикр туғилганига анча бўлган.

Мен мана шундай хулосага келдим: бирор бир, айниқса ҳозир, тазйиқ ўтказишга йўл қўймаслик учун кўп фирқалик юзага келаётган шароитда ДХҚни ислоҳ қилиш юзасидан бирор бир таклифни илгари суришда ҳар қандай фирқадан мустақил бўлиш зарур. Бу — такрор айтаман, шахсий фикрим. Ҳозир шундай қарор қабул қилган ёлғиз мен эмасман.

Фирқа йиғилишларидаги барча кутилмаган воқеалар тўғрисида гапириб ўтирмайман. Ҳар ҳолда илтимосимни қондиришганликлари қаноатлантирди, тўғри, мана шундай қарор қабул қилишди: ДХҚ органларида бундан буён ишлашим тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш қўмита раҳбариятидан сўралсин...

— Сизнинг лойиҳангизга қайтсак. Унга қандай асосий принциплар ва ғоялар сингдирилган?

— Концепциямизда ўзининг вазифалари ва топшириқлари юзасидан ҳозирги органлар тузилмаси ўрнига ундан принципиал фарқ қиладиган давлат хавфсизлик органларини яратиш назарда тутилган. Разведка, аксилразведка, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг техник ва бошқа хизматлари бор. Бу тузилмалар янги Иттифоқ шартномаси асосида яратилади. Бу ҳар бир миллат ўзининг миллий хавфсизлик органлари тузилмаларини яратиш имконини беради. Миллий хавфсизлик хизматлари ҳамкорлиги, жумҳуриятлараро мувофиқлаштирилган шартномалар асосида бўлади. Иттифоқ миқёсида эса Президент ҳузурида иккита орган тузилади. Биз уларни шартли равишда разведка ва фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ҳимоя қилиш хизмати ва аксилразведка қўмиталари, деб атадик. Бутуниттифоқ разведка ва аксилразведка ҳаракатномаларини рўёбга чиқариш юзасидан кўп сонли бўлмаган юқори малакали маслаҳатчилар штатига эга бўлади.

— Сиз кам сонли сўзини такрорладингиз... Хавфсизлик органларининг, масалан, ҳозир амалда бўлган ходимларига қиёсан миқдори қандай бўлади?

— Хомаки ҳисоб-китоблар давлат хавфсизлиги учун ҳеч қандай зарар келтирмаган ҳолда ДХҚнинг штатини ярмидан кўпга қисқартириш мумкинлигини кўрсатмоқда.

— Нима учун шунча миқдорда?

— Биз мана шундай хулосага қўмита хизматининг барча йиғиндиси миқдорини таҳлил қилиб чиққанимиздан кейин келдик. Уларнинг кўпчилиги амалда ўз-ўзига ва кўпинча «беҳудага» ишлашади. Улар зарур эмас. Бундан ташқари ДХҚ тузилмасининг кўпчилиги бошқа маҳкамалар ва вазирликларга ўтади.

— Янги тузилмалар, янги органлар. Кадрлар ҳам янги бўладими? Ҳозир қўмитада ишлаётганлар билан нима қилинади?

— Савол жиддий. Ишбилармон ходимларни сақлаб қолиш, янги органларда ҳалол разведкачилар ва аксилразведкачиларни ишлашда қолдириш муҳим.

Биз шартнома-конкурс асосида қабул қилишни назарда тутамиз. Янги органлар зиммасига юкланадиган вазифаларга мувофиқ тарзда кадрларни хавфсизлик органларида хизмат қилишга танлаб олиш лозим. Ана шу вазифаларни тайёргарлиги бўлган, тажрибали, кўникмага эга бўлганлар амалга оширадилар.

Янги хавфсизлик органлари, албатта, асосан ҳозирги профессионаллар аппарати асосида тузилиб, шубҳасиз бирор бир фирқа томонидан номенклатура таъсиридан ҳоли бўлади.

— Ана шу кишиларни ким танлаб олади?

— Олий даражада бўлган профессионаллардан иборат малакали комиссия деб ўйлайман. Бу комиссия фақат шахсий ишларни ўрганибгина қолмай, балки ҳар бир оператив ходим билан учрашиши, унинг мойиллиги, имкониятини намоён этиб, сен бизга тўғри келасан ёки.. деб ҳалол хулоса чиқариши керак. Махсус хизматга барча истовчиларни ишга қабул қилиб бўлмаслиги аён. СССР Вазирлар Кенгаши ҳузурида, иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар Вазирлар Кенгашларида махсус комиссиялар тузиш зарур. Улар профессионал ходимлар янги тузилмага кирмай қолса, уларга бошқа ишга ўтишига ва бирмунча бошқача вазифаларни ҳал этишига ёрдам берган бўлардилар. Масалан, ҳозир қўшма корхоналар, концернлар, ширкатлар кўп. Улар тижорат сирларини ҳимоя қилишдан ғоят манфаатдор ва бунинг учун мутахассислар сўрашаяпти. Бундан ташқари маълум миқдорда ҳақ тўлаш керак, деб ўйлайман. Чунки шартнома-конкурс танлаб олишидан ўтолмай қолган кишилар тирикчилик кечириш учун маблағсиз қолиб, масалан, Чехословакияда бўлганидек, кўчада қолмаслиги керак.

— Янги органларнинг маблағи қандай бўлади, уни ким тасдиқлайди?

— Иккитасининг — разведка ва аксилразведка қўмиталар харажатлари Иттифоқ парламенти томонидан тасдиқланади. Йирик разведка ва аксилразведка ҳаракатномалари қандай молия билан таъминланса ана шундай миқдорда. Миллий тузилмага келганда шуни айтиш керакки, унинг бюджети ва миқдори жумҳуриятлар парламентлари томонидан белгиланади.

Бюджетлар оқилона чегарада бўлиши керак, албатта. Бироқ, ночор ҳолда ҳам бўлмаслиги лозим. Органларимизнинг моддий базаси ғарбдагиларга қиёслаганда ғоятда паст даражада, маош ҳам шундай. Ходимларимиз ва айғоқчиларимиз Ғарбга «сотилаётганлигининг» ёлғиз сабаби ҳам шунда. Шунинг учун машин тубдан аввало оператив ходимлар миқдорини кам деганда уч каррага, қисман эркин муомалада бўлган валюта ҳисобига оширишни керак, деб ўйлайман.

— Оператив ходимларнинг, айғоқчиларнинг ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилиш юзасидан қонунлар, махсус ҳаракатномалар ишлаб чиқиш зарур.

— Органлар олдида фуқарони қандай ҳимоя қилиш мумкин? НКВД, ДХҚни эслатганда шу пайтгача ваҳималар тушадиган қўрқувни йўқ қилиб ташлаш билиними...

— Махсус хизмат фаолиятининг белгилаб берувчи принципи қонун бўлмоғи лозим. Органлар устидан прокуратура назорати билан бир қаторда парламент назоратининг жорий қилиш лозим. Мунтазам равишда уларни эшитиб бориш, ҳужжатларни тўсиқсиз олишни амалиётда жорий қилиш лозим. Органлар қонунга зид ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга оширмасликлари учун шўро кишиларининг комил бўлмоғи зарур.

— Хавфсизлик органларига келиб турадиган ахборотларни ким таҳлил этади? Ким унинг истеъмолчиси бўлади?

— Янги тузилмаларда махсус хизмат қудратли ҳисоблаш техникаси ва профессионал аналитиканинг илғор базасига эга бўлган қудратли таҳлил бўлинмалари бўлиши лозим.

Ахборотлардан исталган фуқаро фойдаланиши мумкин. У ўзини қизиқтираётган ҳар қандай мавзу юзасидан сўров бериш ва қониқтирадиган жавоб олишга ҳақлидир.

Давлат сири тўғрисида қонун зарурлиги табиий. Унда нима маҳфий, қолган барча бошқа нарсалар шўро фуқаролари ва давлат органлари учун очиқ эканлиги таърифлаб берилиши керак.

— Фикрингизча, давлат хавфсизлиги органларининг «ҳақи йўқми...»

— Аввало, улар сиёсий курашга аралашишга ва фуқароларнинг конституцион ҳуқуқини бузишга ҳақлари йўқ. Душман айғоқчиларини фош этиш юзасидан махсус воситалар қўллаш, уюшган жиноятчилик билан кураш тартиблари ва бошқалар қонун томонидан белгилаб берилиши керак. Давлат хавфсизлик органлари ўз вазифаларини рўёбга чиқариш пайтида қандай ҳуқуққа эга эканликларини ҳар бир шўро ва хорижий фуқаро билмоғи лозим. Махсус хизматни қўллашга ижозатни прокурор ёки махсус суд бериши зарур.

— Сиз ўз лойиҳангиз билан бундан кейин нима қилмоқчисиз?

— Бу ҳужжат ҳозирча «хом». ДХҚ раиси бизга ўз ишимизни поёнига етказишимизга ижозат этади, деб умид қиламиз. Биз ҳар бир ДХҚ ходимидан ҳам, шунингдек, мамлакатимизнинг исталган фуқаросидан ҳам давлат хавфсизлиги янги органларининг фаолиятига тааллуқли барча таклифларни қабул қилишга тайёрмиз. Ўз таклифларимизни СССР Олий Шўросига юборамиз. Шундан кейин давлат хавфсизлиги тўғрисидаги, шу жумладан, бизнинг қонун лойиҳасининг барча вариантларини жамоатчилик ҳукмига киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

— Бу масалада сиз ДХҚ раҳбарияти томонидан кўмак керак, деб ҳисоблайсизми?

— Албатта. Ташаббусимизга бошқача муносабатда бўлинишини ҳам истисно этмайман. Чунки, бир қатор маълумотларга қараганда, раҳбарият мени обрўсизлантирувчи фактларни ҳозирданоқ изламоқда. Мен ҳеч қандай «шубҳа»ни сезаётганим йўқ.

А. ЦАЦУЕВ.



ЧИТ ҲАМ, ПАРЧА ҲАМ... БОР

БИРОҚ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ АЙБИ БИЛАН УЛАР ПЕШТАХТАЛАРГА БОРИБ ЕТМАЯПТИ

Борис Зак фирмаси хорижий сайёҳлар мамлакатимиз қандай бўлса, шундайлигича кўришлари учун барча ишларни амалга оширади. Пойтахтга келган ҳар бир меҳмон аввало Қизил майдонни, кўҳна Кремлни кўришни дилига тугиб қўяди.

Талаба ва бўлажак муҳандис Наташа Колерова эҳтимол фирманинг йўлбошловчиси ва жаҳонга машҳур ўз шаҳри Нижегород ярмаркасига сайёҳларни олиб борувчи бўлиши мумкин.

Айтгандек, ярмарка Наташа Колеровани танитди. Ярмаркада ўтган «Россия гўзали» конкурсида Наташа костромалик Люба Скороходова билан бирга ғолиб деб эътироф этилди. Горькийликлар учун совринни Ғарбий Олмониянинг «Майер» ва Борис Закнинг сайёҳлар фирмалари таъсис этди. Ҳар жиҳатдан ажойиб реклама!

Нижегород ярмаркасининг ўзини реклама қилиш керакми? Кўп асрлар мобайнида у жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб келган, лекин кейинги 60 йилда юқоридагиларнинг кўрсатмаси бўйича аста-секин «сўниб» борди. Эндиликда эса уни эсламайдиган бўлиб қолишди. Ярмаркани тиклаш май ойида бўлиб ўтди. Горький вилоят ижроия қўмитаси, Горький ойнаи жаҳони ва «Комсомольская правда» бунинг ташаббускори бўлишди. Бу ярмарка қандай ўтганлиги ҳақида ҳикоя қилгандик. Натижалари-чи?

Яқинда Горькийдаги корхоналардан бирида бу ер учун кўрилмаган моллар — аъло сифатли хорижий пойафзаллар, жинсилар, курткалар, костюм-шимлар... билан савдо қилинди. Бу моллар қаердан келган? Ярмарканинг шарофати бу. Ўшанда немис «Сервик» фирмаси билан «Горький корхоналари ўртасида шартнома имзоланган эди. Операциянинг ўзи ажойиб тарзда амалга оширилди. Корхона ўлик юк бўлиб ётган 5-даражали деб аталмиш валютадан, Берлин корхоналари сарҳад очилиши муносабати билан рақобат қилиш хусусиятини йўқотган молларидан қутилиш, кишиларимиз эса пештахталар юзини кўрмаган пойафзал ва кийим-бошлар олиш имкониятига эга бўлдилар. Бундай иш қайси бир кишига ёқмайди?

Шундай кишилар ҳам бор экан! Улар бизнинг ташқи иқтисодиёт ташкилотларида ишлайдилар. Айни улар бошқа фирма — горькийлик корхоналарнинг шериги бўлган польшалик «Амартекс» билан тузилган шартноманинг бажарилиши йўлига тўғаноқ қўйишди. Горькийликлар видеомагнитофон, телевизор, пойафзал, кийим-бош — ўн миллион хорижий валюта суммасига тенг бўлган моллар олишдан маҳрум бўлдилар. Лекин унинг арзимас қисмини олишди, холос. Пул узоқ муддат банклар орасида «сайр» қилди, улар ниҳоят бюрократик ғовларни енгиб ўтганида злотанинг сўмга нисбатан қиймати ўзгарди. СССРга июндаёқ келиши мумкин бўлган моллар қимматлашди. Пировардида ким ютқазди? Афсуски, барча манфаатдор томон — фирма ҳам, воситачи ҳам, ниҳоят эса харидор ҳам бой берди.

Нижегород ярмаркасида «Амартекс» билан тузилган шартнома бажарилишини ким пайсалга солди? Горькийлик ишчилар ана шундай саволни таҳририят номига йўллашган.

Ярмарка тўғрисида бошқа саволлар ҳам бор. У келгуси йилда ўтказиладими? Ишбилармон кишиларни қандай ҳаракатнома кутади? Биз рўзноманинг яқин сонларидан бирида Нижегород ярмаркасининг сабоқлари ва истиқболи тўғрисидаги гапга қайтамиз.

В. ГОРЛОВ,
Нижегород ярмаркасини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита аъзоси.

А. АБАЗ сурати.

Микеле ПЛАЧИДО: **МЕН ЭНДИ КОМИССАР КАТТАНИ БЎЛОЛМАЙМАН!**



«Форум» кинотеатри якшанба куни Кино уйини эслатарди. Унинг олдига кўплаб томошабинлар тўпланди.

Бу ерда «Спрут-4» ва Плачидонинг «Помидор» фильмидаги режиссёрлик дебюти муносабати билан икки премьерага бағишланган шўро ва хорижий журналистларнинг матбуот конференцияси бўлди. «Совэкспортфильм»нинг вакили ибораси билан айтганда, кўпдан буён кутилаётган Плачидо ярим соат кечикиш билан келди.

— Микеле, сизнинг Москвада пайдо бўлишингиз қандай ҳуфя тарихи билан боғлиқ?

— Бу ўринда ҳеч қандай сир йўқ. Ҳозирги пайтда мен «Шўро Армиясининг ҳарбий хизматчиси» ҳисобланаман. «Афғонистон дарзи» фильми суратга олинаётган Душанбедан вақтинча «қочоқлик» қилишимга тўғри келди.

— Сизга қандай китель яхши ўтиришади: Италия полициясиникими ёки шўро офицериникими?

— Майор Бандура ва комиссар Каттани бир-биридан алоҳида фарқ қилмайди. Ҳар иккиси ҳам замонавий инсон хатти-ҳаракатига эга. Бандура Каттанига қараганда кичикроқ қаҳрамон. У «Анти Рэмбо», урушда ҳалок бўлаётган ўз аскарларига, жар ёқасига қараб бораётган Совет Иттифоқига томошабин бўлиб қараб туради.

— Шўро кинематографияси тўғрисидаги таассуротларингиз қандай?

— Менда ҳеч қандай кинематография тўғрисида тасаввур йўқ. Мен ҳамиша жамият тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга ҳаракат қиламан. Мен рус адабиётини яхши биламан ва бироз сизнинг кинони. Биз Оврупода кўрадиган «шўро» кинематографияси — бу Тарковский ва Кончаловскийдир.

Мен «Ленфильм»да суратга тушаётган вақтимда техника амалда йўқ даражада бўлса ҳам ишлаш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим. Суратга олиш майдонида нореализм асридаги итальян кино муҳити ҳукмрон эди. Эҳтимол яхши фильм олишимизга шу кўмак бергандир?

Бугунги рус киноси — бу эҳтирос, саргузашт ва ўтмиш билан хайрлашишга бўлган улкан иштиёқ.

— «Ленфильм»да суратга тушган вақтингизда сизга сўмлардами ёки валютадами ҳақ тўлашди?

— Бу нокамтарин савол, лекин жавоб қайтараман. Менга италиялик продюсер ҳақ тўлади.

— Сизни режиссёрлик иши билан шуғулланишга нима мажбур этди?

— Ўзим учун муҳим бўлган нарсани айтиб ўтмоқчиман. Мен ҳамма вақт «комиссар Каттани» бўлиб қололмайман.

...Комиссар ҳалок бўлишининг, эҳтимол, сабаби ҳам мана шудир.

Г. РЕЗАНОВ.

* * *

СУРАТДА: Микеле Плачидо янги шўро фильмидаги ролида.

СИТА фотоси.

Чапақайлар омадлими?

Барча чапақайлар истеъдодли одамлиги ростми!

Б. СОРМИН.
Черновци.

Американинг «Нэшнл инкуайрер» ойномасида таъкидланишича, чапақайлар ҳаётда муваффақиятга эришишда бошқаларга қараганда анча кўп имкониятга эга эканлар. Энг янги мисол — Жорж Бушнинг шуҳрат қозонганлигидир. Машҳур кишилар орасида чап қўлини ўнг қўлга қараганда яхши ишлатадиганлар — оммабоп киноактёр Борерт Редфорд, Экс6итл Пол Маккартни, катта теннис юлдузлари Жимми Коннорс ва Мартина Навритиловалар бор.

Шунингдек, афсонавий Чарли Чаплин ва Мэрилин Мапролар ҳам чапақай бўлишган. Чапақайлар орасида машҳур кишиларнинг бўлиши тасодифми? Йўқ, унча эмас. Ойнома 5 ёшдан 11 ёшгача бўлган ўқувчи билан тадқиқот олиб борган Лестерск дорилфунунининг (Англия) ўқитувчиси Мэриан Аннет хулосаларига таяниб, чапақайлар идрокли бўлишади, деган фикрни илгари сурган. Аннетнинг айтишига кўра, чапақайлар ўз мияларини фаолиятидан имкон борича фойдаланишади.

Оёқ—энг асосийси эмаску?

Наҳотки ҳамма жойда гўзаллик конкурсига фақат оёғи узун қизларни олишади!

И. ВАСНЕЦОВ.
Брянск.

Яқинда Американинг Вэначчи шаҳридан Тиндага кетаётган малика Энн Москвада бўлди. Унинг қўлидаги олма ва тож нафақат ҳокимият рамзи, балки ҳар йилги бўладиган ўнлаб рақибларга қарши тож учун курашлиги ғолибликнинг белгиси ҳамдир.

Дарвоқе, синчков ҳакам совринни фақат гўзаллик учун эмас, балки ҳазил-мутоибачилар беллашувида лўнда ва сермаъно сўзлагани учун ҳам беради.

Камерага ҳам навбатми?

Биздаги қамоқхоналарда ҳибсга олинганларга жой етишмайди, деб айтишади. Бу соҳада Ғарбда аҳвол қанақа!

Ф. ВАСЮТНСКИЙ.
Усть-Илимск.

Французларнинг «Либерасьон» рўзномасида эълон қилинган криминология муаммолари бўйича Европа қўмитасининг ҳисоботига кўра, биринчилик пальмаси 100 ўринга 148 «даъвогар» бўлган Францияга тааллуқлидир. Французларнинг қамоқхоналари бу кўрсаткич бўйича бошқа юксак ривожланган Ғарбий Оврупо мамлакатларидан ажралиб туради: «қора» рўйхатда иккинчи бўлиб Италия туради. Уларда 100 ўринга 116 ҳибсга олинган туради.

Оврупонинг бошқа «аъёнлари» анча орқада. ОФЖда 84 фоиз, Буюк Британияда 100 фоиз, Греция, Нидерландия ва Бельгияда ҳам шунчадан. Яна бир қизиқарли ҳол. Швеция қамоқдаги ҳар бир кишига энг кўп пул — 21 минг долларга яқин сарфлайди. Бу Овруподаги энг юқори кўрсаткичдир.

Дунёда энг... энг...?

Гиннесинг рекордлар китоби ҳақидаги саволларни кўплаб оламиз. Бу қизиқарли нашр биздан бошқа дунёнинг кўплаб жойларида маълум ва машҳур. Лекин ўтган йили «Советская Россия» нашриётида унинг рус тилидаги таржимаси чоп этилди. Унинг нусхаси айтарли кўп эмас, шу туфайли кўплаб қизиқувчи фуқаролар илгаригидек бундан хабарсиз қолишмоқда. Бугун биз бизнинг мамлакатимизга ва социалистик йўналишдаги мамлакатларга оид бўлган «рекорд» саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Ҳамма биографик маълумотлар ва рақамлар аниқ эмас. Бу муаллифлар виждонига ҳавола.

ҚАЙСИ МАМЛАКАТ ҲАММАСИДАН КАТТА!

Албатта, бизники! Совет Социалистик Жумҳуриятлар Иттифоқи майдон жиҳатидан энг катта мамлакат ҳисобланади. Унинг умумий майдони 22402200 квадрат километрга ёки ер юзидаги қуруқликнинг 15 фоизига тўғри келади.

БОРИШ ҚИЙИН БЎЛГАН ЧЕГАРА ҚАЕРДА!

Энди ўтган замонда гапирса бўлади. Бу Германия Федератив Жумҳурияти ва Германия Демократик Жумҳуриятини ажратиб турувчи «темир парда» (1380 километр) эди. Унда кўп қисми Британияда ишлаб чиқарилган 2.230.000 ер усти минаси ва 80.500 километр тиконли сим, фош этиш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган кўплаб кузатув миноралари бўлган. 246 метр кенгликда бўлган барча сарҳад йўлаги Шарқий Германиянинг 344 квадрат километр ҳудудини эгаллаган. Бу сарҳадни қуриш ва сақлаб туришга тахминан 7 миллиард доллар сарфланган... Шарқий Берлиндаги иккинчи деворнинг қурилиши 1984 йилнинг март ойида бошланган.

АЁЛЛАР ҚАЕРДА КЎП!

1981 йилда дунёда ҳар 1000 аёлга 1006,7 эркак тўғри келган. Эркаклар энг кўп етишмайдиган мамлакат СССР ҳисобланади — унда аҳолини рўйҳатга олишнинг сўнгги маълумотига кўра 1000 эркакка 1132,1 аёл тўғри келаркан.

КИМ КЎП ГАПИРАДИ!

Энг узоқ сўзланган нутқ БМТда (4 соат 29 минут) 1960 йилнинг 26 сентябрида Куба президенти доктор Фидель Кастро Рус томонидан бўлган.

ТИББИЁТ ҚАЕРДА КУЧЛИ!

СССР врачлари кўп мамлакат ҳисобланади. Улар 831300 кишидан иборат, яъни, 307 кишига 1 врач тўғри келади. Хитойда 1981 йилда «ялангоёқ докторлар» деб ном олган 1,4 миллион халқ медицинаси мутахассислари бўлган.

КИМ КЎП БОШҚАРГАН!

Албания меҳнат фирқаси Марказий Қўмитасининг Биринчи Котиби Анвар Хўжа (1908 йил 16 октябрь туғилган) мамлакатга 1944 йилнинг октябридан то 1985 йил 11 апрелда вафот этгунига қадар раҳбарлик қилган.

А. А. Громико (1909 йил 6 июлда туғилган) 1946 йилда СССР ташқи ишлар вазири ўринбосари вазифасини эгаллаган, 1957 йилнинг 15 февралидан 1985 йилнинг 2 июлигача Ташқи ишлар вазири, сўнгра СССР Олий Шўроси Президиумининг Раиси бўлган. Петр Ломако (1904 йилда туғилган). 1940 йилдан бошлаб СССР Рангли металлургия вазири бўлган. Бу вазифадан 1986 йил 1 ноябрда, 82 ёшда, 46 йил ишлагач озод қилинган.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ТАЙЁРЛАГАНЛАР

Рўзноманинг бу сони «Ёш ленинчи» ва «Комсомольская правда» материаллари асосида тайёрланган. Тайёрлаганлар: «Комсомольская правда» рўзномасининг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири М. АЛИМОВ. «Ёш ленинчи» рўзномасининг ходимлари Т. НАЗАРОВ, К. РАҲИМОВ, И. УСМОНОВ, Ҳ. АКБАРОВлар.

Рўзноманинг бу сонига фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими мудири З. РИХСИЕВ, мухбир С. РУСТАМОВ, мусаҳҳиҳлар И. ҲАМРОЕВ, Ҳ. СУЛТОНОВА, О. ҲАМРОЕВА, Ф. АЛИМОВлар навбатчилик қилишди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

Индекс: 64607.

Д. — 23195.